

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ахметжон МАМАТОВ
Худоёр АРАЛОВ**

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА
ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ**

Гулистон 2012.

Маматов А.А., Аралов Х.М. Миллий иқтисодиётда дехқон хўжаликлари. Т.: «Молия», 2012 - Б. 96.

Мазкур монографияда дехқон хўжаликларининг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни, мазмун ва моҳияти тадқик этилган. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида дехқон хўжаликлари нисбатан барқарор, эгилувчан эканлигини исботлади ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уни озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, бандлик муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллаши каби муҳим жиҳатлари очиб берилган. Мазкур хўжаликларнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва даромадларини ўстириш ҳисобига уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Монографияда дехқон хўжаликларининг янги жиҳатларини очиб бериш, бу хўжаликларнинг инфратузилма ташкилотлари билан ташкилий-иктисодий ва молия-кредит муносабатларини ривожлантириш, дехқон хўжаликларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ўзига хос илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография иқтисодий йўналишдаги Олий ўқув юртлари талабалари, профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, шунигдекдехқон ва фермер хўжалик раҳбарлари ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

ББК: 338.43 (575,1)

Илмий мухаррир: иқтисод фанлари номзоди, доцент Хошимов П.З.

Такризчилар: и.ф.д. Хуррамов А.Ф., и.ф.н.доц. Сатторқулов О.Т.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар натижасида агарар тармоқда турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари ривож топиб, кўп укладли иқтисодиётнинг пайдо бўлишига замин яратилди. Бозор муносабатларига ўтиш агарар соҳада ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан кайта қуриш имкониятини яратди.

Агарар соҳани ислоҳ қилиш жумладан дехқон хўжаликларини ривожлантириш ва рағбатлантириш зарурияти, агросаноат мажмууда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга эришиш, пировардида халқнинг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини кондириш каби масалалардаги тўлиқ ечимини топмаган муаммолардан келиб чикқандир.

Мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожланиш даражаси бевосита қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсиш суръатларига боғлиқdir. Шу билан бирга ҳозирги вактда республика иқтисодиётининг агарар секторида соҳани ривожлантиришнинг катта потенциал имкониятлари мавжуд. Улардан энг муҳимлари хўжалик юритишнинг бозор талабларига мос шакли бўлган дехқон хўжаликларини ривожлантиришdir.

Агарар соҳани ислоҳ қилиш, жумладан, дехқон хўжаликларини ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг зарурияти агросаноат мажмууда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш муаммолари билан боғлиқ. Бугунги кунда республикамизнинг агарар соҳасида хусусий мулкчиликка асосланган дехқон хўжаликларининг тутган ўрни ва ривожланиш истиқболларига баҳо беришда қатор қийинчиликларга дуч келинмоқда. Иқтисодиёт фанида баъзи иқтисодчилар дехқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти натижаларига эътиборсиз қарашса, бошқа бир гуруҳ олимлар бундай турдаги хўжаликларни сақлаб қолиш ва уларни ривожлантириш агарар соҳани тараққий эттиришнинг муҳим йўли деб хисобламоқдалар.

Дехқон хўжаликларига бўлган бундай қизиқишнинг вужудга келишига асосий сабаб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дехқон хўжаликлири нисбатан барқарор, эгилувчан эканлигини исботлади ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уни озиқ-овқат, истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш ва бандлик муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллайди. Натижада мустақиллик йилларида дехқон хўжаликлар ҳисобидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда боркорорликка эришилди.

Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида Ўзбекистон иқтисодиётida дехқон хўжаликларини тутган ўрнига катта баҳо беради: Асарда 1989 йил 17 августда “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш хақида; қарорининг аҳамияти тўғрисида сўзлаган нутқида шуни таъкидланадики:-“Биз ер улушкини кенгайтириш орқали қандай масалаларни ҳал этишни хоҳлаймиз.

Биринчидан, озиқ-овқат программасини бажармоқчимиз.

Иккинчидан, бу уй-жой программаини ҳал этишни жиддий тарзда олдинга силжитади.

Учинчидан, бу ерда ишсизлик муаммоси ҳал этилмоқда.

Тўртинчидан , биз аёлларни иш билан бандлиги муаммосини ҳам бир қадар ҳал этган бўламиз.

Бешинчидан, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масаласи ҳам ҳал этилмоқда.

Кўриниб турибдики, қишлоқ меҳнаткашларига ер беришдек жўн туюлган масала ҳозир ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳам долзарб сиёсий аҳамият касб этмоқда¹.

Монографияда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мазкур хўжаликларнинг янги жихатларини очиб бериш, уларнинг ишлаб чиқариш харажатларини

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Тошкент.: Ўзбекистон. 2012 .Б. 57-61.

камайтириш ва даромадларини ўстириш ҳисобига самарадорлигини ошириш, ҳамда шу орқали ахоли турмуш даражасини юксалтириш, шунингдек, дехқон хўжаликларининг бозор инфратузилмаси, молия-кредит ва давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимидағи ташкилотлар ҳамда бошқа иктисодий субъектлар билан алоқаларини ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-БОБ. ДЕҲҚОН

РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ХЎЖАЛИКЛАРИНИ

1.1. Иқтисодий муносабатлар тизимида дехқон хўжаликларнинг ўрни ва роли

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган аграр ислоҳотлар натижасида бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосан уч турдаги хўжаликлар шаклланган. Биринчиси – йирик қишлоқ хўжалик корхоналари сифатидаги ширкат хўжаликлари, иккинчиси – ўртача ривожланиш даражасига эга бўлган фермер хўжаликлари ва учинчиси – кичик ер участкаларида иш олиб борувчи майда товар ва ярим натурал ишлаб чиқаришга асосланган дехқон хўжаликлари. Бу турдаги хўжаликлар ўзига хос ижтимоий-иқтисодий мазмунга, мулкий муносабатларга, қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерга нисбатан бир-биридан фарқ қилувчи турли муносабатларга эгадирлар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тутган ўринлари, тармоқ таркиби ва ривожланиш истиқболлари билан бир-бирларидан кескин фарқланади. Дехқон хўжаликлари бу оиласидан ишлаб чиқарувчилардир. Улар бир умрга фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган ва давлатга тегишли бўлган ер майдонларида оила аъзолари томонидан олиб бориладиган хўжалик фаолияти билан шуғулланадилар.

Дехқон хўжаликларига бағишланган илмий адабиётларнинг кўплигига қарамасдан ҳозирга қадар уларнинг ижтимоий-иқтисодий табиитини тавсифловчи ва умумий қабул қилинган таъриф мавжуд эмас. Ваҳоланки, бу хўжаликларнинг мазмуни, таркибий тузилмаси муттасил такомиллашиб бормоқда. Сўнгги йилларда дехқон хўжаликларига бағишланган қатор илмий монографиялар ва илмий рисолалар чоп этилди ва уларда бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳани ривожлантиришда дехқон хўжаликлари муҳим ўринга эгалиги асослаб берилди. Бу илмий ишларда тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолиб кетган дехқон хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада дехқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича Европа мамлакатларида тўпланган бой илмий-амалий тажрибаларни ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда.

Миллий иқтисодиётда дехқон хўжаликлари оила мавжуд бўлган даврдан бошлаб шакллана бошлаган. Россия иқтисодий адабиётларида дехқон хўжаликлари биринчи марта А.В.Чаянов томонидан кенг тадқиқ этилган. Унинг таъкидлашича: «Дехқон хўжаликлари ташкилий шакл сифатида турли хўжалик тизимларида тарихан бўлмасада, лекин мантиқан мавжуд бўлган»¹. Бугунги кунда рус олимларидан Е.В.Серов, В.В.Кузнецов ва Н.Н.Медведев², республикамиз иқтисодчиларидан Р.Ҳ.Хусанов³, А.А.Абдуғаниев ва Б.Б.Беркиновларининг⁴ илмий ишларида дехқон хўжаликларига оид масалалар ўз ифодасини топган. Масалан, Е.В.Серов ва В.В.Кузнецловларнинг қарашлари институционал ёндашувга асосланади. Уларнинг фикрича: «Бугунги кунда аграр секторда бозорга мос келадиган, янгича шароитда хўжалик юритишга қобил бўлган, мустақил ишлаб чиқариш бирликларини яратиш лозим»⁵. Бу борада шахсий ёрдамчи хўжаликлар нисбатан яшовчан ҳисобланади. Е.В.Серовнинг таъкидлашича, улар фермерликнинг тезгина оёққа туриб олиши учун асос бўлиши мумкин.

«Ўзбекистонда оила бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб

¹ Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство. - М.: Экономика. 1989. - С 58.

² Медведев Н.Н. Аграрные отношения: теория, историческая практика, перспективы развития. -М: Наука, 1993. - С. 270.

³ Хусанов Р., Қосимов Н. Дехқон хўжалигининг илмий-амалий асослари. -Т.: «Чўлпон» нашриёти, 2000. -Б. 103.

⁴ Беркинов Б.Б., Жўрабоев И., Кулабоев М. ва бошқ. Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш асослари. -Т.: «Ўқитувчи», 1999. -Б. 273.

⁵ Серов Е.В., Кузнецов В.В. Инфраструктура сельского хозяйственного производства: вопросы, теории и практики. -М.: «Экономика», 1997. - С. 232.

чиқарувчи хўжалик – дехқон хўжалиги ҳисобланади. Дехқон хўжалиги оилавий хўжалик бўлиб, уни бир киши – оила бошлиғи ёки унинг аъзоси бошқаради. Бундай хўжалик ёлланма ишчи меҳнатидан доимий фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас¹. «Дехқон хўжаликлари томорқа хўжаликлари замирида вужудга келган хўжалик юритиш шаклидир»².

Дехқон хўжалиги – бу уй хўжалигининг таркибий қисмидир. Уй хўжалиги эса миллий ҳисоб тизимининг муҳим иқтисодий категорияси қаторига киради. Уй хўжалиги – бу иқтисодий манфаатларга, молиялаштириш манбаларига эга бўлган оилавий муносабатлар орқали бирлашган жисмоний шахслар йифиндисидир. У ишчи кучига бўлган таклифни, моддий бойликлар ва хизматларга бўлган талабни шакллантиради. Уй хўжалиги сектори таркибига ёлланма ишчи кучи, яъни жамиятнинг онгли равишида шаклланган, мулк даромадлари ва трансферларини олувчи ахоли киради. Уй хўжалигининг қатор хусусиятлари дехқон хўжалигида ифодаланади. Уларга биринчи навбатда, хўжаликда мустақил яратилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, хўжалик аъзоларини давлат ва тижорат корхоналарига ёллаш билан боғлик бўлган муносабатларни киритиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай хўжалик юритуви субъектга таъриф беришда, энг аввало, унинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва вазифасидан келиб чиқиш лозим. Уй хўжалигининг макро ва микро даражадаги функцияси алоҳида шахс ёки оиланинг эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Ушбу хulosадан келиб чиқкан ҳолда, микродаражада уй хўжалигининг бажарадиган асосий вазифаларини куйидагича ифодалаш мумкин:

1. Майший – хўжалик функцияси:

- анъанавий уй юмушлари: овқат тайёрлаш, хоналарни йиғиштириш, болаларга караш, кир ювиш, оёқ кийими, уй-рўзғор буюмлари, мебель, уйни таъмирлаш каби ишлар ёлланма ходимлар ёки ихтисослашган ташкилотлар томонидан пуллик хизматлар кўринишида бажарилиши мумкин;
- оиласда истеъмол қилиш учун товарлар ишлаб чиқариш.
- 2. Истеъмол функцияси (товарлар ва хизматларнинг якуний истеъмоли).
- 3. Жамғариш функцияси (жамғармаларни шакллантириш).
- 4. Ишлаб чиқариш функцияси (оиласий бизнес билан шуғулланиш).
- якка тартибдаги меҳнат фаолияти, яъни уй шароитида тикувчилик, мебель ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш, турли хил майший хизматларни кўрсатиш;
- индивидуал – оиласий савдо, яъни ишлаб чиқарилган товарларни сотиш ва савдо-сотик билан шуғулланиш;
- аграр фаолият, яъни уй хўжалигига тегишли ер майдонида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш.

Уй хўжалигининг микродаражада бажарадиган асосий функцияларининг аграр фаолият қисми, яъни уй хўжалигига тегишли ер майдонларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш дехқон хўжаликлари фаолиятининг асосини ташкил қиласи.

Дехқон хўжалиги – нафакат мулкнинг, балки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳам алоҳида шаклидир. Уни уй хўжалиги билан бир хил деб ўйлаш тўғри бўлмайди. Агар уй хўжалиги маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилиш, тирикчиликни ташкил этиш усули ва шакли ҳисобланса, у ҳолда дехқон хўжалиги – бу шахсий мулкни тақрор ишлаб чиқариш, маҳсулот ва даромадларни яратиш шаклидир³. Уларни ишлаб

¹ Беркинов Б.Б.. Дехқончилик хўжаликлари ривожланишининг ташкилий-иктисодий муаммолари. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида дехқон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференция.- Т.: 2003 23-24 май.

² Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўкув қўлланма. Салимов Б.Т. ва бошқалар.Т.: ТДИУ. 2004.- Б 12

³ Хуррамов А.Ф. Дехқон хўжаликлари қишлоқда мулкдорлар синfinи шакллантиришнинг асосий

чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасидаги функционал боғлиқлик ҳамда умумий шахсий мулк яқинлаштириб туради.

Деҳқон хўжаликлари ва уй хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолияти органик жиҳатдан бир бирига мос келади. Деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг маълум қисми уй хўжаликлари томонидан қайта истеъмол қилинади. Шу билан бирга, деҳқон хўжаликлари маҳсулотларининг маълум қисми уй хўжаликларида қорамол ва паррандалар учун озиқа-ем сифатида фойдаланилади. Шунинг учун деҳқон хўжаликлари билан уй хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёни технологик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ҳисобланади.


Деҳқон хўжалиги субъектлари учун меҳнат жараёни бир вақтда ҳам уй хўжалигига, ҳам деҳқон хўжалигига амалга ошади. Шунинг учун деҳқон ва уй хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ҳисобланади. Маҳсулот сотишдан тушган даромадлар нафақат деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарishни кенгайтиришга, шу билан бирга оиласарни уй хўжаликлари жиҳозлари билан таъминлашга ҳам сарф этилади,

Деҳқон хўжалигига тегишли бўлган предмет ва обьектлар: уй, мебель, электр ускуналари, идиш-товор ва бошқалар уй хўжалиги обьектлари ҳамдир. Уй хўжалиги обьектлари, яшаш учун яхши шарт-шароитлар яратади. Уй хўжалигига тегишли ер қишлоқ хўжалиги учун қандай хизмат қилса, унинг оиласи яшаётган уй ҳам шундай хизмат қиласи, яъни бир вақтнинг ўзида уй деҳқон хўжалиги учун яшаш жойини ва ишлаб чиқариш воситаси вазифасини бажаради. Уй таъмирланганда, тозаланганда меҳнат предмети вазифасини, унда яшаганда деҳқон хўжалигини юритиш воситаси вазифасини бажаради. Уй хўжалиги инсонлар ҳаёт фаолиятининг зарурый элементи ҳисобланади.

Шаҳар ҳудудларида жойлашган баъзи уй хўжаликлари ўз ҳажми ва таркибига кўра деҳқон хўжаликларига мос тушади. Баъзи бир шаҳарликларнинг ўз дала ҳовлилари, автомашиналари ва бошқа мулклари борки, улар деҳқон хўжалиги таркибига мос тушади. Деҳқон хўжаликлари таркибига уй хўжаликларининг барча обьектлари, транспорт воситалари, дала ҳовлилари ва бошқалар киради. Деҳқон хўжаликлари маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи корхоналардир. Деҳқон хўжаликлари асосан қишлоқ жойларида жойлашганиклари учун бундай корхоналарга кичик қишлоқ хўжалик корхоналари сифатида қаралиб, уларда ишлаб чиқариш ва майший хизмат муносабатлари шаклланади.

1.1-расмда уй, деҳқон, хонадон ва оила хўжаликларининг ўзаро алоқадорлиги ифода этилган. Деҳқон хўжалиги ва уй хўжалиги иқтисодиёти бир-бирига ўзаро боғлиқдир. Лекин бу икки иқтисодий категорияни ва ибораларни бир биридан фарқлаш лозим. Уй хўжалиги иқтисодиёти тадқиқ этилганда тадқиқот марказида оила туради. Тадқиқот предмети бўлиб ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларида вужудга келадиган ялпи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Уй хўжалигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири – бу оила аъзоларининг турли фаолияти натижасида оладиган даромадларининг манбалари ва ҳажми ҳамда харажатлар таркиби ҳисобланади. Уй хўжалиги учун бу кўрсаткичлар унинг турмуш даражасини тавсифлайди. Уй хўжалиги тадқиқ этилганда унинг асосий истеъмолчи эканлиги эътиборга олинади. Деҳқон хўжалиги таҳлил этилганида тадқиқот марказида хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолияти туради, унинг тадқиқот обьекти бўлиб турли омиллар натижасида уй хўжалиги иқтисодиёти ҳолатидаги ўзгаришларни тавсифловчи иқтисодий жараёнлар ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги оила биринчи навбатда хўжалик субъекти бўлиб, унга ягона ишлаб чиқарувчи сифатида қаралади. Унинг асосий интеграл даромад кўрсаткичларини ҳисобга олмаганда хўжаликни тавсифловчи асосий кўрсаткичларга ер майдони, қорамолар, техникалар, моддий бойликлар элементлари сони ва бошқалар киради.



1.1-расм. Уй, дехқон, хонадон ва оила хўжаликларининг ўзаро алоқадорлиги¹

Бугунги кунда иқтисодий адабиётда дехқон хўжалигини «Хонадон хўжалиги» сифатида ифода этиш ва шу орқали бу икки иқтисодий тушунчани тенглаштириш ҳолатларини кузатиш мумкин. «Хонадон хўжалигига асосланган ишлаб чиқаришнинг барча турларида унинг аъзоларининг фаол иштирок этиши ҳам маҳсулот бозорини тўлдиришга хизмат қилса, шу орқали хонадон даромадлари ҳам кўпайиши бу аҳоли фаровонлигини ошиши омилига айланади»². Хонадон хўжалиги ва дехқон хўжалиги – бу бир хил иқтисодий тушунчалар эмас. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида «Хонадон – эр хотин, фарзандлар, шунингдек, қариндошлардан иборат оила ва уларнинг оила аъзолари яшаб турган уй, ховли»³ деб таърифланган. Шунинг учун ҳам хонадон хўжалиги дехқон хўжалигига нисбатан кенг тушунча бўлиб дехқон хўжалиги билан фақатгина қишлоқ хўжалик фаолиятини олиб бориши билан мос келади. Хонадон хўжалиги дехқон

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди. Уй хўжалиги МХТнинг иқтисодий субъекти сифатида миллий иқтисодиётда тўртда: исте'mол, жамғариш, майший хўжалик ва ишлаб чиқариш функцияларини бажаради. Дехқон хўжалиги уй хўжалигининг таркибий қисми сифатида унинг ишлаб чиқариш функциясининг аграр фаолият олиб бораётган қисми дехқон хўжаликларини ташкил этади. Маълумотларга кўра, республикамизда 8 млн. га яқин уй хўжаликлиари мавжуд, уларнинг 4,7 млн. ни дехқон хўжаликлари ташкил этади.. *Оила хўжалиги бу уй хўжалигининг таркибий қисми бўлиб унда ота-она фарзанд, ака-ука ва опа-сингил муносабатлари устун туради. **Хонадон хўжалиги - уй хўжалигининг таркибий қисми бўлиб, хонадонда икки ва ундан ортиқ оиласалар, ота-она, фарзандлар ўз оиласи билан ҳамкорликда яшайдилар. Шахсий ёрдамчи хўжалик*** билан Томорқа хўжалиги**** дехқон хўжалигининг шакллари бўлиб улар ер майдони ҳажмига қараб фарқланади. «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилингунча 0,06 га ер майдонига эга бўлган дехқон хўжалигига шахсий ёрдамчи хўжалик ва 0,15 га ва ундан ортиқ ер майдонига эга бўлганларга томорқа хўжалиги деб қаралган. «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг улар ягона дехқон хўжалиги деб юритила бошланди.

² Ахмедов Ф. Хонадон хўжалигини ривожлантириш //«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент. 2010. -№4. -Б.32.

³ Хожиев А. ва бошкалар Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати // Т. "Шарқ". 2001 . -Б.284.

хўжалигидан нисбатан микдор ва сифат ҳамда мазмун ва моҳияти бўйича катта фарқ қиласи.

Бугунги кунда деҳқон хўжаликлари аграр секторда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда муҳим ўрин тутади. Улар нисбатан мустақил ижтимоий-иктисодий тизим сифатида ўзларининг демографик, ижтимоий-иктисодий ва бошқа функцияларини амалга оширади. Бугунги кунда «шахсий ёрдамчи хўжалик», «томорқа хўжалиги» ва «декон хўжалиги» категорияларининг умумий ва фарқ қилувчи томонларини аниқлаш катта илмий-назарий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1998 йилда «Декон хўжалиги тўғрисида» ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинган даврга қадар иқтисодий адабиётда бу категорияларга баҳо беришда катта чалкашликлар мавжуд эди. Масалан Э.А.Акрамов ва А.Э.Тоировлар ўзларининг бир монографияларида декон хўжаликларини фермер хўжаликлари сифатида баҳолаган эдилар¹. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган «Декон хўжалиги тўғрисида»ги қонун ушбу чалкашликларга чек қўйди. Қонун қабул қилингандан сўнг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва томорқа хўжаликлари декон хўжаликлари деб юритила бошланди.

Иқтисодий адабиётларда «оила хўжалиги» иқтисодий тушунчаси мавжуд. Оила деб умумий манфаатлар ёки қариндошлиқ асосида бирга яшаётган инсонлар гурухига айтилади². Оила тушунчасига ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғатида «Эр-хотин, уларнинг бола чакаларидан ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадондир»³ дея таъриф берилган. Ушбу таърифда оиланинг таркиби ўз ифодасини топган. Аммо бу таърифда оиланинг ижтимоий-иктисодий функцияси ўз аксини топмаган. Шу туфайли уни «Декон хўжалиги» сифатида қараб бўлмайди.

Оила тўғрисида бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Масалан, олий ўкув юртлари учун мўлжалланган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида «Оила – шахс, оила ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятни амалга ошириш учун бир-бiri билан қариндош уруғчилик алоқалари асосида ташкил топган кишиларнинг кичик гурухи»⁴ деган таъриф берилган. Ушбу таъриф бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги даврга мос келади, чунки оила факат олдингидек истеъмол қилувчи субъект эмас, балки таъкидланганидек, хўжалик юритувчи субъектга айланиб бормоқда, Шу жиҳатдан мазкур таърифда оилага оддий бирга яшовчи кишилар мажмуи сифатида эмас, балки ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжни қондириш мақсадида жамиятнинг бирлашган бир гурухи сифатида қаралади.

Декон хўжаликларининг асосий вазифаси бу оила аъзоларини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлганлиги учун баъзи бир иқтисодчилар декон хўжаликларини таркиби бўйича шахсий ёрдамчи хўжалик билан тенглаштироқдалар. Декон хўжаликлари миллий иқтисодиётни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Хўжалик субъекти сифатида декон хўжалиги ширкат ва фермер хўжаликларидан фарқ қиласи. Ширкат хўжаликлари йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналардир. Фермер хўжаликлари бугунги кунда йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириб, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчига айланиб бораётган қишлоқ хўжалик

¹ Акрамов Э.А., Тоиров Э.А. Экономические реформы Республики Узбекистан// -М.: 1998. -С. 166-167.

² Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иктисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Самарқанд. 2008. - Б. 16.

³ Хожиев А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати// - Т.: «Шарқ». 2001. -Б.526.

⁴ Шодмонов Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т., Иқтисодиёт назарияси. Дарслик // -Т.: «Молия». 2002. - Б. 72.

корхоналаридир.

Агар соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда фермер хўжаликлари муҳим ўрин тутади. Фермер хўжалирининг иқтисодий фаолияти асосида уларнинг оила аъзолари турсада, улар тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, бу хўжаликлар фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришига йирик механизацияни татбиқ этадиган ва ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хўжалик шаклларидир. Фермер учун хўжалик фойда олиш манбаидир. Дехқон ва фермер хўжаликлари ўртасидаги умумий ва фарқ қилувчи жиҳатлар қўйидаги 1.1-жадвалда келтирилган. Дехқон хўжаликларининг фермер хўжаликларига трансформациялашуви жараёни янги технологиялар ва фермерларни агробизнесга боғловчии катта молиявий ажратмаларни талаб этади.

Дехқон хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришнинг бош омили бу уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ўстиришдир. Бугунги кунда дехқон хўжаликлари ривожланишига тўсиқ бўлаётган омилларга қўйидагилар киради: хўжаликнинг техник таъминоти даражасининг пастлиги, ёмон демографик ҳолат, чекланган ер майдони, ёмон озуқа баъзаси таъминоти, баҳо диспаритети ва бошқалар.

1.1-жадвал

Дехқон ва фермер хўжаликлари ўртасидаги умумий ва фарқ қилувчи жиҳатлар¹

№	Дехқон хўжалиги	Фермер хўжалиги	
1	Мулкий Жиҳатдан	Хусусий индувидал мулк шакли	Хусусий жамоа мулк шакли
2	Ишлаб чиқариш фаолиятидаги ишлироқи	Дехқон хўжалигига дехқоннинг ўзи ва оила аъзолари меҳнат қиласди. Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайди	Фермер ишлаб чиқаришни ташкил этади ва бошқаради. Ёлланма меҳнатдан фойдаланади
3	Ер майдони жиҳатидан	Ўртacha 0,15 га. дан 1 га. гача ер майдонига эга бўлиши мумкин	Бугунги кунда ўртacha 80 га. дан ортиқ ер майдонига эга
4	Фаолият тури	Тадбиркорлик	Тадбиркорлик
5	Ишлаб чиқариш фаолияти	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради
6	Ишлаб чиқаришдан асосий мақсад	Оиласи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва қолган қисмини эса бозор учун ишлаб чиқаради	Бозор учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради
7	Ишлаб чиқаришга ихтисослашуви	Чорвачилик, сабзавот ва полиз маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган	Пахта ва дон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган
8	Иш жараёни	Асосан кўл меҳнатига асосланган ва маълум даражада техникадан фойдаланилади	Механизациялашган йирик ишлаб чиқаришга асосланади
9	Ишчилар сони	Хўжалик ҳажми ишчилар ва оила аъзолари сони билан белгиланади	Хўжаликда ишчилар сони тегишли ер майдони ҳажмига караб ўзгариб боради. Бугунги кунда бу ўртacha 22 та ишчига тўғри келади

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида дехқон хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришда муҳим ўрин эгаллаши сабабли алоҳида тадқиқотларни олиб боришни таълаб этади. Иқтисодий инқизорзлар даврларида бундай хўжаликлар миллий иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллаган, чунки улар инсонларнинг ҳаёт кечиришлари учун катта имкониятлар яратган. Шу билан бирга дехқон хўжаликлари оиланинг иқтисодий мустаҳкамланишига ва унинг турмуш даражасини оширишга хизмат килади. Масалан, Япония дехқон хўжаликларига таяниб аграр соҳада нисбатан юқори ривожланишга эришди. Италия эса 10 йиллик иқтисодий ривожланиш натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Буюк Британиядан ўтиб кетди.

Дехқон хўжаликлари фаолияти натижасида олинган даромадлар ва унинг субектларидан ташқаридаги ижтимоий сектордаги меҳнат фаолияти турли хил дотациялар ва қариндош-уруглар томонидан берилган совғалар натижасида шаклланиши мумкин. Барча оилаларда даромадларнинг таркиби ва ҳажми турли даражададир. Уларнинг асосий харажатлари таркиби бир бирига мос тушади ва уларга дехқон хўжаликларини юритиш, қурилиш ишлари, оиланинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган сарфлар (кийимбош, маданий, таъмирлаш, қариндошларнига меҳмонга бориш, даволаниш учун дори-дармон ва бошқалар) киради. Дехқон хўжаликлари фаолиятининг мақсадини назарий жиҳатдан икки таркибий қисмга ажратиш мумкин:

1. Дехқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти натижасида олинадиган пул даромадларини ошириш.

2. Оила аъзоларининг эркин камол топиши учун зарур бўлган бўш вақтни кўпайтириш.

Бу икки таркибий қисм бир-бири билан зиддиятли ҳолатда бўлади. Пул даромадларини ошириш мақсади дехқон хўжаликлари аъзоларини кўпроқ меҳнат қилишга ундаса, бу оила аъзоларининг эркин камол топиши учун зарур бўлган вақтни қисқартиради. Акс ҳолда бу ҳолат дехқон хўжаликлари пул даромадларининг қисқаришига олиб келади. Бу зиддият дехқон хўжаликларига берилаётган иқтисодий, ҳуқуқий эркинлар ва имтиёзлар, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш учун маҳсус мини тракторлар, асбоб ускуналар ишлаб чиқарилиши натижасида ўз ечимини топиб боради.

Маълумки, иқтисодиёт сўзининг маъноси хўжалик юритиш стратегияси ва тактикасини ифода этади. Дехқон хўжаликлари фаолият юритишида қандай стратегияга асосланиши керак? «Дехқон хўжаликлари иқтисодиёти» тушунчасининг маъноси хўжалик юритишида тежамкорлик, самарадорлик, манфаатдорликка амал қилиш маъноларини англатади.

Ҳар қандай дехқон хўжалиги фаолиятини юритишида самарадорликка катта эътибор бериш ва даромадлар унинг харажатларига нисбатан кўпроқ бўлишини таъминлаши лозим. Дехқон хўжаликлари муайян иқтисодий қонунлар асосида ривожланади. Улар кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришга эришиш, режали ривожланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор беришлари зарур.

Миллий иқтисодиётда ҳар қандай дехқон хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятини режалаشتариради, ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ҳисобига оила аъзоларининг турмуш даражасини оширишга ҳаракат қилади. Дехқон хўжаликлари иқтисодиёти ҳар доим ҳам ривожланиш ҳолатида бўлмайди. У иқтисодий барқарорлик ва деградация ҳолатларида бўлиши мумкин. Дехқон хўжаликларининг реал даромадлари ҳажми ўтган йилги даромадлардан кўп бўлса улар иқтисодий ўсиш ҳолатида бўлади, бу оила турмуш даражасининг ўсишида ўз ифодасини топади. Бундай ҳолатда дехқон хўжаликлари ўз даромадларининг бир қисмини жамғарib бориб истиқболда оила бойлигини ошириб борадилар.

Деҳқон хўжаликлари иқтисодиёти уларнинг ўтган йилги реал даромаддари ҳажмига нисбатан бу йилги реал даромаддари паст даражада бўлса деградация ҳолатида бўлади. Бундай ҳолатда деҳқон хўжаликлари ўз харажатларини қисқартиришга мажбур бўладилар ва бу улар оила аъзолари турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Деҳқон хўжаликлари қандай иқтисодий ҳолатда бўлмасинлар уларда ҳар доим самарали тежамкорлик фазилати намоён бўлади. Бу хўжаликлар харажатлари даромадларидан юқори бўлган ҳолатлар киска муддатли ва ўзлари хоҳламаган вазиятларда юз беради, чунки бу даврда хўжаликлар дебитор ҳолатда (кўшнилардан, қариндошлардан, банкдан кредит олганда) бўладилар. Деҳқон хўжаликлари жамиятнинг ижтимоий- иқтисодий бўғини сифатида ташқи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик омиллар таъсирида шаклланаб борадилар. Ташқи ва ички омиллар таъсирида деҳқон хўжаликларининг иқтисодий салоҳияти шаклланади ва бу деҳқон хўжаликларининг сифат жиҳатидан кескин ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим шакли сифатида агросаноат мажмуаси иккинчи соҳасининг таркибий бўғини кўринишида майдонга чиқади. Шу сабабли уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатлар аграр муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Деҳқон хўжаликларининг иқтисодий асоси, ижтимоий-иқтисодий ўрни, вужудга келиш ва фаолият кўрсатиш шартшароитлари уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар сифатидаги тавсифини белгилаб беради.

1.2. Деҳқон хўжликларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ривожланиш тамоиллари

Деҳқон хўжалиги категориясининг моҳияти, табиати ва истиқболларига қарашларнинг сезиларли даражада ўзгарганлиги бу хўжаликларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини янги, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитда қайта кўриб чиқишини талаб этмоқда. Шу сабабли, деҳқон хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётiga ўтишида алоҳида уклад сифатида шаклланishi бўйича тарихий ва мантиқий ёндашувлар асосида ёритиш лозим. Ҳозирги даврда деҳқон хўжаликлари миллий иқтисодиётда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамият ҳам касб этмоқда.

Шулардан келиб чиқкан ҳолда мулкий муносабатлар тизимида деҳқон хўжаликларининг тутган ўрнига баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилган. Мулкий муносабатлар нуқтаи назаридан деҳқон хўжаликлари жамиятнинг институтционал таркибидаги тутган ўрнига қараб унларнинг иқтисодий муносабатлар тизимидағи ролини тадқиқ этиш масаласи муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга.

Хусусий мулкнинг моҳияти шундаки, иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқариш натижалари айrim шахсларга қарашли бўлади. Бу турдаги мулкда меҳнат натижалари ўзлаштиришнинг хусусий мулкчилик қонунига мувофиқ мулкдорнинг ўзиники ҳисобланади, у мустакил хўжалик юритади ва эгалик қиласи. Хусусий мулк айrim кишиларга тегишли бўлиб, даромад олишга қаратилган. Хусусий мулкнинг икки кўриниши мавжуд: хусусий индивидуал мулк ва хусусий жамоа мулки. Хусусий индивидуал мулк бор жойда бойлик алоҳида мулкдор томонидан ўзлаштирилади. Мулкка қандай муносабатда бўлиш фақат мулкдорнинг ихтиёрида бўлади. Хусусий жамоа мулки деганда бойликни индивидуал шерикчилик асосида маълум гурухларга бирлашган ҳолатда ўзлаштириш тушунилади. Юртимиз қишлоқ хўжалигида хусусий мулкнинг индивидуал шаклига деҳқон хўжалиги киради.

Хусусий мулкчилик жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусий мулкчилик мулк эгаларида ундан унумлироқ фойдаланиш қобилиятини оширади. Чунки мулкдор мулкидан қанча унумлироқ фойдаланса, у шунча кўпроқ манфаатдор бўлади. Мулкдор иқтисодиётни барқарорлаштиради, бозор иқтисодиётida ўзаро рақобатни

ривожлантиради ва қиймат қонунининг амал қилишига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусий мулкчилик ишлаб чиқаришни ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришга олиб келади, давлатга қарамликни йўқотади, мулкка ўз хоҳишича муносабатда бўлишни, жамият олдида шахснинг эркинлигини таъминлайди. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигига дехқон хўжаликлари бошқа мулк шаклларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

- мулк эгаси ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита боғланиш ҳукуқига эга бўлиб, улардан қай шаклда фойдаланишни ўзи ҳал қилади ва амалга оширади;
- дехқон хўжалиги раҳбари ишлаб чиқариш фаолиятида тўла мустақилликка эга бўлади, хоҳлаган маҳсулотини ва қанча етиштиришни ўзи ҳал киласди;
- у доимо иқтисодий ва қонуний жавобгарликда бўлади, қонунга хилоф бўлган ҳар бир иш, ортиқча сарфланган ҳар бир сўм мулк эгасининг ўз мулкидан ажralишига олиб келади.

Дехқон хўжаликлари қишлоқ ҳаёт тарзининг ажralмас қисми бўлгани ҳолда, ўз эгаларининг фаолиятига, ўрта сифатларнинг, қадриятларнинг ҳамда миграцион йўл-йўриқларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бу таъсир турли-туман ва айни пайтда зиддиятли ҳамdir. Бир томондан, дехқон хўжаликлари ўз эгаларининг турли эҳтиёжларини қондириш учун қулай моддий асос яратса, бошқа бир томондан, эгаларининг бўш вақтларининг каттагина қисмини банд этгани ҳолда, уларнинг маънавий жиҳатдан камол топишига тўсқинлик қиласди. Дехқон хўжаликларининг бошқа турдаги хўжаликлар сингари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан асосий мақсади оила аъзоларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва даромад олиш орқали уларнинг турмуш даражасини оширишдир.

Дехқон хўжаликларда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкнинг тавсифи иқтисодий мансубликни акс эттирувчи алоҳида белгилар қаторига киради. Юқорида қайд этилган ҳолатлардан англаш мумкинки, дехқон хўжаликларида бир қатор белгиларнинг умумийлиги мавжуд. Нисбатан тез фурсатларда ва ортиқча сарф-харажатларсиз маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг сифатини яхшилашга имкон берувчи белги дехқон хўжаликлари фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Дехқон хўжаликларининг яна бир муҳим белгиси шундан иборатки, улар янги иш ўринларини яратадилар ва бунинг натижасида қишлоқ ва шаҳар аҳолиси бандлигининг даражасини оширади ва бунинг асосида шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлади.

Республикамиз иқтисодий адабиётида дехқон хўжаликларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни Р.Хусанов, Н.Қосимов ҳамда Б.Б.Беркинов¹ ва бошқа олимлар томонидан атрофлича кўриб чиқилган. Бироқ, бугунги кунда дехқон хўжаликларининг миллий иқтисодиёт микёсида бажараётган айrim иқтисодий функциялари бу муаллифлар эътиборидан четда қолган. Бизнингча, бугунги кунда дехқон хўжаликлари қуйидаги иқтисодий функцияларни бажаради:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш;
- даромадларни кўпайтириш, моддий, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ўстириш йўли билан қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш учун имкониятлар яратиш;
- иирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиш мумкин бўлмаган меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш воситаларидан, шу жумладан, ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарасиз хисобланган, унча катта бўлмаган, ҳосилдорлиги паст ва дехқончилик фаолиятини олиб бориш қийин бўлган ер

¹. Хусанов Р., Қосимов Н. Дехқон хўжалигининг илмий-амалий асослари. -Т.: «Чўлпон», 2000. –103 б.; Беркинов Б.Б.. Дехқончилик хўжаликлари ривожланишининг ташкилий-иктисодий муаммолари. //«Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида дехқон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2003, 23-24 май, Б-31.

майдонларидан фойдаланиш;

- қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалик кооперациясининг янги шакларини вужудга келтириш учун иқтисодий асос яратиш.

Дехқон хўжаликларининг иқтисодий функциялари билан биргаликда уларнинг ижтимоий функцияларини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Улар жумласига қуидагилар киради:

- қишлоқ ёшларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва касбга йўналтириш. Дехқон хўжаликларида меҳнат қилиш ёш авлодга ерга ва табиатга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш туйғусининг шаклланишига кўмаклашади.
- кишиларда ташаббускорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, мустақиллик, ижодкорлик каби сифатларни шакллантиради;
- ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга имкон яратувчи юқори сифатли ва табиий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, жисмоний меҳнат билан шуғулланиш ва тоза ҳавода бўлишни таъминлайди.

Дехқон хўжалиги эгасининг бош мақсади – ўз оиласининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва фойда олишдан иборатdir. Модомики ушбу хўжаликлarda жамият эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми яратилар экан, уларнинг агросаноат мажмуасининг яхлит элементи сифатидаги функциялари алоҳида оила даражасидаги функцияларига қараганда бир мунча кенг қамровлидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дехқон хўжаликларининг бош вазифаси ҳисобланади. Шундай қилиб, агросаноат мажмуасини ташкил этувчи элементи сифатида дехқон хўжаликларининг асосий ижтимоий-иктисодий функциялари йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши функцияларига зид келмайди, аксинча уларни тўлдиради.

Иқтисодий адабиётда ва илмий нашрларда дехқон хўжаликларини кўпинча хусусий мулк билан боғлашади. Маълумки, дехқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми шахсий истеъмол, қолган қисми бозор учун ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотнинг иккинчи қисми товар тафсифига эга ҳисобланади. Бу «дехқон хўжаликлари ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти – хусусий мулк шаклидир» деган аксиоманинг шаклланишига асос бўлади. Ҳақиқатда эса, дехқон хўжаликларида хусусий ва шахсий мулк муносабатлари ифода этилади. Чунки дехқон хўжаликларидаги ишлаб чиқариш икки таркибий қисмдан иборат:

1. Оила аъзолари ва кариндошларнинг истеъмолини қондириш учун натурал ишлаб чиқариш.

2. Бозор учун товар ишлаб чиқариш.

Дехқон хўжаликларида шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган натурал маҳсулот ва уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган ишлаб чиқариш воситалари – бу шахсий мулк обьекти ҳисобланади ва унга боғлиқ ҳолда шахсий мулк муносабатлари шаклланади. Дехқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг иккинчи қисми бозор учун ишлаб чиқарилади ва бу маҳсулот товар шаклини олади. Маҳсулотнинг товар шаклида бўлган қисмини ишлаб чиқаришда фойдаланилган ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулк обьекти ҳисобланади ва унга боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари хусусий мулк муносабатларини ташкил этади. Бу дехқон хўжаликлари мулкининг икки ёқлама тавсифини кўрсатиб беради.

Дехқон хўжалигига корхона сифатида ёндашиб унда ишчи билан тадбиркор бир шахсада гавдаланади деб караш мумкин. Шунга кўра, дехқоннинг фойдасини тадбиркорнинг фойдаси билан тенглаштириш мумкин. «Дехқон хўжаликлари мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини

етишириш ва уни сотиш билан боғлиқ фаолияти тадбиркорлик фаолиятини ташкил этади)¹. Тадбиркорлик фаолияти–тадбиркорлик субектлари томонидан амалга ошириладиган, таваккалчилек ва мулкий жавобгарлиги остида фойда олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти ҳисобланади. Ҳукуқий шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликлари кичик тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланади. Мавжуд қонунчиликка кўра, юридик шахс мақомига эга бўлмаган дехқон хўжаликлари ҳам тадбиркорлик фаолиятини юритиши мумкин.

Дехқон хўжаликларининг тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади ва уларнинг мулкий хукуқлари кафолатланади. Дехқон хўжаликлари тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида куйидаги хукуқларга эга:

- ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш;
- ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, таъминотчи ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга (хизматга) харидорларни мустақил танлаш;
- тадбиркорлик фаолиятидан чекланмаган микдорда фойда олиш ва уни ўз хоҳишига кўра тасарруф қилиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти (хизмат)ни бозордаги талаб ва таклифга мувофиқ эркин бозор нархларида ёки шартнома нархларида сотиш;
- кўшимча ер участкалари, бино, иншоот, асбоб-ускуна, жиҳозлар ва бошқа мол-мulkни ижарага олиш; (шу жумладан, лизинг йўли билан);
- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ва бошқа ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ хукуқларга эга бўлиш.

Дехқон хўжалигида меҳнат жараёни муддатлари ва юкламасини дехқоннинг ўзи белгилайди. Дехқон ўз хўжалигида ташкилотчи, раҳбар ва шу билан бирга мулк эгасидир. Мулк эгаси сифатида дехқон ўз хўжалигида мол-мулкка нисбатан тежамкор муносабатда бўлади. Дехқон хўжалигида ишчи кучи захираси, таркиби ва меҳнат ресурслари фаоллиги оила таркиби ва сони билан белгиланади. Бу асосий омил сифатида дехқон хўжалигини бошқа турдаги хўжаликлардан фарқлади. Шу билан бирга дехқон хўжаликларида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Хўжалик шакли сифатида дехқон хўжаликларини турли жиҳатдан, яъни ишлаб чиқариш шакли, тармоқ ва уни ташкил этувчи объектлар ҳажми, фаолият тури ва иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни бўйича таҳлил этиш мумкин. Дехқон хўжаликлари маълум даражада ўзига хос ишлаб чиқариш тури мавжудлиги билан тавсифланадилар. Дехқон хўжаликларида доимо истеъмол-натурал хўжалик шакли устун даражада ривожланган бўлиб, дехқон оиласини барча зарурий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қиласи. Дехқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар биринчи навбатда оила истеъмолига сарфланади, қолган қисми бозорда сотилади. Дехқон хўжаликларининг бозор билан алоқалари фермер хўжаликларига нисбатан чекланган даражада бўлиб ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ҳам йирик ишлаб чиқаришга нисбатан пастрок даражада, яъни сустроқ ривожланган.

Дехқон хўжаликлари фаолияти икки – моддий ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан ташкил топган. Шу билан бирга баъзи бир дехқон хўжаликлари бошқа турдаги, яъни уй хўжалиги доирасидан ташқаридаги йўналишларда фаолият юритишлари мумкин. Бунга уй хўжаликлари томонидан мебель ва уй-рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, транспорт воситаларини ва жиҳозларни таъмиглаш, қурилиш фаолияти, тикувчилик, савдо ва бошқа фаолият турларини киритиш мумкин.

¹ Мухамбетова У. Дехқон хўжаликларининг меъёрий асослари // «Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги» ж. - Тошкент, 2010. - № 9, - Б. 25.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ўзларининг моҳияти ва ҳажми бўйича дехқон хўжаликлариридир. Биз «шахсий ёрдамчи хўжалик уй ҳовли ҳудудида жойлашган дехқон хўжалигидир»¹ деган хulosага тўлиқ кўшиламиз. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳам оилалар учун даромад ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш манбаи ҳисобланади. Бундай хўжаликлар таркибига хўжалик бинолари, мол, парранда, асалари, кўп йиллик мевали дараҳтлар, томорқа участкалари ва майда қишлоқ хўжалиги инвентарлари киради. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг табиати ва ривожланиш даражасини тўлалигича ижтимоий ишлаб чиқариш белгилаб беради.

Дехқон хўжаликлари фаолиятида бепул хизматлар муҳим ўрин тутади. Б.Т.Салимовнинг хulosаларига кўра, дехқон хўжаликларида бепул хизматлар муҳим ўрин тутади. Биринчи навбатда бу оила аёлларига тегишилдири. Миллий урф одатларга кўра, улар уй хўжалиги ишлари билан эркаклардан фарқли ўлароқ болаларни боқиши, тарбиялаш, овқат тайёрлаш каби барча ишларни бажарадилар. Дехқон хўжаликлари фаолиятига фарзандларни тарбиялаш, овқат пишириш, кийим-кечак ювиш, дазмоллаш, уй тозалаш ва бошқа ишлар киради. Бу ишлар дехқон хўжалигидага оила асосий ишларининг 80 фоизини ташкил этади².

Дехқон хўжаликлари миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ресурсларидан тежамли фойдаланадиган хўжалик шакли сифатида тавсифланади. Дехқон хўжаликларининг бу хусусияти улар оиласининг пул харажатларини камайтиради ва бу билан оила бюджетини мустахкамлади. Дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши мамлакатнинг ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради.

Дехқон хўжаликларида ишлаб чиқариш ва истеъмол бўйича иқтисодий муносабатлар шаклланади. Айирбошлаш ва тақсимот муносабатлари товар ишлаб чиқариш тавсифига мос келади, чунки тақсимот муносабатларини фақатгина ишлаб чиқариш воситаларининг тақсимотида кўллаш мумкин, айрибошлаш муносабатлари эса ижтимоий меҳнат тақсимотига боғлиқдир. Шунга кўра, дехқон хўжаликлари иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Бироқ, дехқон хўжаликларида тақсимот ва айрибошлаш муносабатлари мазмунан бошқа моҳиятга эга. Масалан, оила азолари ўртасида меҳнат тақсимоти, маҳсулотлар ва ахборотларни айрибошлаш жараёни ва х.к.

Дехқон хўжаликларида ишлаб чиқариш ва майший хизмат муносабатларидан ташқари оилавий никоҳ муносабатлари мавжуд, уларга ҳар бир оиласининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги муносабатлар киради, лекин булар алоҳида социология ва психология фанлари томонидан олиб бориладиган тадқиқотларга киради.

Дехқон хўжаликларининг йирик хўжаликларда фойдаланиш ўта мушкул бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини хўжалик муомаласига киритиш ва ишга солиш борасида лаёқатга эга эканликлари аён бўлди. Дехқон хўжаликлари хўжалик доирасида мураккаб иқтисодий вазиятга мослаша бориб, тадбиркорлик ташаббусини намоён этади. Буларнинг барчаси иқтисодий қийин шароитда хўжаликнинг ушбу тоифаси аҳамиятининг сезиларли даражада ўсишини белгилаб беради. Бошқа бир томондан мамлакат иқтисодий тизимининг бозор тавсифига эга эканлиги ҳам, бу турдаги хўжаликларнинг ривожланишини рагбатлантиради. Дехқон хўжаликларининг ривожланишига чекловларнинг олиб ташланиши уларнинг ялпи тарзда ўсишига олиб келди. Бироқ кейинроқ янги хўжалик тизимининг қарор топиши асносида ушбу гурух доирасида табақаланиш юзага келмоқда, дехқон хўжаликлари бир қисмининг йириклишуви ва уларнинг оилавий фермер хўжаликларга айланиши ва бошқа гурух хўжаликларида эса ишлаб чиқаришнинг қисқариши, яъни уларнинг бошланғич «ёрдамчи ҳолати»га қайтиши

¹ Шодиева Г.М. Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш ўллари. –Т: 2006. -Б.45-47.

² Салимов Б.Т. ва бошқалар Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўкув қўлланма.. –Т.: ТДИУ 2004. -Б. 12.

кузатилмокда.

Дехқон хўжаликларининг асосий функцияси қишлоқ аҳолисини фойдалари мөхнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали республика ер ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига маҳсулот этиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат. Шунингдек, бу хўжаликлар мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиш, ўзи жойлашган худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашда иштирок этиш сингари қатор вазифаларни амалга оширади.

Дехқон хўжаликлари фаолиятини тадқиқ этиш натижалари уларни уч гурухга ажратиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмокда.

Истеъмол хўжаликлари. Бунда томорқада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари оила аъзолари томонидан тўла истеъмол қилинади.

Ярим товар хўжаликлари. Бу хўжаликлар томорқада этиштирилган маҳсулотларнинг ўз эҳтиёжларидан ортган бир қисмини бозорга олиб чиқиб сотади.

Товар хўжаликлари. Бу хўжаликлар асосан бозорга, яъни сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Дехқон хўжаликларининг ижтимоий-иктисодий табиатини ойдинлаштириш борасида иктисодчи олимларнинг юқорида баён этилган қарашлари асосида ва тарихий ҳамда мантиқий ёндашувдан келиб чиқсан ҳолда, дехқон хўжалигига қўйидагича таъриф бериш мумкин:

Дехқон хўжалиги – бу хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик фаолияти шакли бўлиб, тегишли ер майдонида, фуқароларнинг оила аъзолари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳамда уларни ижтимоий товар айирбошлаш жараёнига жалб қилиш орқали, оила аъзоларининг ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш ва юқори даромад олишга интигуви, давлат ва бозор субъектлари томонидан ташки таъсирни сезувчи бозор иктисодиёти субъектидир.

Дехқон хўжаликларининг ижтимоий-иктисодий табиати тўғрисидаги масала таҳлилини умумлаштирган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, бозор иктисодиётининг бундан кейинги ривожланиши, қишлоқ хўжалигига йирик механизациялашган ишлаб чиқариш имкониятлари ўсиб борган сари мазкур хўжаликларнинг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси астасекин пасайиб боради. Шу билан бирга бозор шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамияти узоқ вақт давомида сақланиб қолади ва дехқон хўжаликларининг турли кўринишлари шаклланиб боради.

Бугунги кунда жаҳон қишлоқ хўжалигига бир томондан илмий-техник тараққиёт таъсири остида қишлоқ хўжалик корхоналарини йириклаштириш, бошқа бир томондан эса майда товар ишлаб чиқаришнинг турли шаклларини ривожлантириш тенденцияси карор топмоқда. Бу ўринда дехқон хўжаликлари алоҳида ўрин тутиб, улар бошқарув, мөхнат ва мулк функцияларини ўзларида бирлаштириш ва ҳатто иктисодий қийин шароитда ҳам хўжаликни самарали юритиш имкониятига эгадирлар.

1.3. Ўзбекистон Республикасида дехқон хўжаликларининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда ерлар аниқ чегараланмаган жойларда шахсий ёрдамчи хўжаликларни мерос қилиб қолдириш орқали ерга эгалик қилиш ҳукм сурган. Дехқончиликка товарбоп экинларнинг кириб келиши мерос асосида ерга (бошқача қилиб айтганда шахсий ёрдамчи хўжаликка) эгалик қилишнинг тез ривожланишига ва дехқонларнинг табақаланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган

аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари собиқ тизим даврида (XX асрнинг 30-йилларида) шакллана бошлаган. Бу даврда дехқон оиласининг ихтиёрида томорқа участкасини ва чекланган микдордаги чорва моллари ва паррандаларни қолдиришга рухсат берилган. Эндиғина ташкил этилган колхозлар, совхозлар, шунингдек, давлат ва кооператив савдо тармоғи қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондира олмас эди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларига 60-йилларда қишлоқ хўжалик артелларининг атрибуллари деб қаралган. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга колхоз-кооператив сектори доирасида қараш керак деган фикрлар токи 70-йилларгача сақланиб келган.

Собиқ тизим даврида шахсий ёрдамчи хўжаликларига нисбатан давлатнинг сиёсати барқарор бўлмади. Уларга нисбатан аниқ стратегик ёндашилмади ва бу шахсий ёрдамчи хўжаликларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Шахсий томорқа эгалари мавжуд имкониятлардан энг юқори даражада фойдаланишга интилган бир даврда жуда кўп қаршиликларга дуч келди. Дехқонлар узоқ йиллар давомида нафақат жамоа ишлаб чиқаришида, балки ўз ёрдамчи хўжаликларида ҳам тўла хўжайин эмас эди. Узоқ йиллар давомида дехқонни ердан, ўз меҳнатининг пировард натижаларидан маҳрум килиш жуда катта салбий оқибатларга олиб келди. Дехқонда мулкдорлик, ерга эгалик ҳисси камайиб борди. Албатта, дехқон психологиясининг ўзгартириши осон кечмаган ва умумий манфаат йўлида ишловчи янги дехқон хўжаликлари қийинчилик билан вужудга келган.

Қарийб етмиш йил давомида қаршилик кўрсатилишига қарамай аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари бутунлай йўқолиб кетмади. Шахсий ёрдамчи хўжаликларининг ривожланишига собиқ тизимда қаршилик кўрсатилишига асосий сабаб бу тизимда ҳар қандай хусусий мулкчиликнинг бўлиши мумкин эмас эди. Унда хусусий мулкчилик аҳоли ўртасида табакаланишни ва кишини киши томонидан эксплуатация қилишни келтириб чиқаради деган ғоя хукмрон эди. Мустақиллик йилларида агарар соҳада олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида «Шахсий ёрдамчи хўжаликлар» «Дехқон хўжаликлари» сифатида қайта ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ва Республика Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қуришни янада ривожлантириш тўғрисида»ги (1989 й. 15 август) қарори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмасини такомилластириш йўлида қўйилган биринчи мухим қадам бўлди. Ушбу қарор республикамида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришда туб бурилиш ясади. Мазкур қарор қабул қилингунга қадар республикамида ҳар бир қишлоқ оиласи ўртacha 0.12 гектар томорқа участкасига эга бўлган бўлса, қарор қабул қилингандан кейин бу кўрсаткич анча ошди. Бу қарор бир йўла икки масалани ҳал килди: биринчидан, томорқа ер майдонлари кенгайтирилди, иккинчидан, якка тартибда уй-жой қуришга бўлган ниҳоятда катта талаб қондирildi.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жумхурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги мол ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги (1990 йил май) фармони қабул қилингандан кейин ўша даврга қадар ер участкаси ва молга эга бўлмаган кўпгина қишлоқ оиласи ер билан таъминланди ва чорва молларини сотиб олди.

Юқорида қайд этилган фармон ва қарорлар қабул қилингандан сўнг 1989–1990 йиллар давомида 1.5 млн. дан зиёд оиласи тартибда қарорларни кенгайтирилди, илгари бундай имкониятга эга бўлмаган 580 минг оила эса янги ер участкалари билан таъминланди. Аҳолига 183 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ер майдонлари ажратиб берилди. 1991 йил якунига келиб шахсий ёрдамчи хўжаликларида фойдаланиладиган ер майдонлари қарийб 500 минг гектарга етди.

Бундан ташқари шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси ташкил этилиб, унинг фаолияти шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларига ёрдам бериш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган энг мухим натижага шахсий томорқа

хўжаликларини кенгайтириш, яъни суғориладиган ерларни шахсий ёрдамчи хўжаликларга ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан ахолини амалда ер билан таъминлаш бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида (1998 йил) Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Бу бозор иқтисодиёти амалиётида янги бўлган, республикамиз ахолисининг менталитетидан келиб чиқкан хўжалик юритишнинг ўзига хос шаклини вужудга келтирди. Ушбу қонунга кўра, дехқон хўжаликлари юридик мақомга эга бўлиб, фаолият юрита бошлади ва банкларда ўзларининг ҳисоб ракамлари ҳамда муҳрига эга бўлди. Республикаизда дехқон хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад, қишлоқ хўжалигига барқарорликни таъминлаш ва унинг ўсиш суръатларини ошириш орқали қишлоқ ахолисининг турмуш даражасини кўтаришдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мақсад – қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитни яратишдан иборат бўлмоғи керак»¹.

Хўжалик юритишнинг истиқболли шаклларидан бири бўлган дехқон хўжаликларининг мақоми, вазифалари ва ҳуқуқлари «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги² қонунда ифода этилган. Дехқон хўжаликлари аввалги шахсий ёрдамчи хўжаликлар замирида ташкил қилинди. Қабул қилинган қонунда дехқон хўжаликларига янги имтиёзлар белгилаб берилди. Эндиликда дехқон хўжаликлирида ишлаётгандарнинг меҳнат фаолияти иш стажига кўшилиб, кейинчалик нафақа олиш ҳуқуқи қонунлаштирилди. Бу тадбир дехқон хўжаликлари фаолиятининг ривожланишида ва ишсизлик муаммосини ҳал қилишда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун дехқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилишининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солади.

Ахолига ер берилиши иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки, энг қийин йилларида, ниҳоятда кескин муаммоларни ҳал қилишда жуда муҳим роль ўйнади. Республикаизда дехқон хўжаликларини мустаҳкамлаш ва уларни шакллантириш борасида муҳим чоратадбирлар кўриш ҳисобига:

- биринчидан, меҳнатга яроқли ахолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга эришилди;
- иккинчидан, ахолининг реал даромадларини оширишга, шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиб келганларга меҳнат дафтарчаларини очиш ҳамда уларга қариганларида нафақа олиш ҳуқуқини бериш билан кўпгина қишлоқ ахолиси учун ижтимоий кафолотларни мустаҳкамлашга эришилди;
- учинчидан, ахолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга эришилди. Ер участкаларини олган оиласалар картошка, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки уларни дехқон бозорларида сотиш миқдорини ошириб, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга муносиб хисса қўшдилар;
- тўртинчидан, якка тартибдаги уй-жойларнинг қурилиши кўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлиндики, бу ахолини уй-жой билан таъминлаш, коммунал-маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасидаги анчагина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди;
- бешинчидан, фақатгина ижтимоий низоларнинг сабаби ва манбаларини бартараф этиш ҳисобигина эмас, балки кишиларнинг шахсий томорқа ерларини ва боғ, дала-ҳовли

¹ Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи: Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси X сессиясида сўзлаган нутки. 1997 йил, 25 декабрь. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. –Б.64.

² Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни - Т.:Ўзбекистон, 1998.

ерларини ободонлаштиришда фаол қатнашилари, ўзи ва оиласи манфаатини кўзлаб фойдали меҳнат билан шуғулланишлари натижасида республикада ижтимоий сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга эришилди.

Умуман олганда, дехқон хўжаликлари тўғрисида қабул қилинган қонун миллий иқтисодиётда бешта муҳим масалани ҳал қилиб берди:

- қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик масаласини;
- дехқонларда мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масаласини;
- қишлоқ жойларда бозор иқтисодиётини шакллантириш масаласини;
- Ўзбекистонда мулкдорлар қатламининг пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.
- қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий-ҳуқуқий асос яратди.

Дехқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик шаклларидан бири сифатида бир қатор афзалликларга эгадирлар:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг кичикилиги бозордаги талаб ва таклиф нисбатига тез мослашиш ва кўп маблағ сарфламай ўз фаолияти йўналишларини қайта шакллантириш имконини беради;
- оила меҳнатига таяниш уй бекалари, кариялар ва болалар меҳнатидан унумли фойдаланиш ҳамда асрлар давомида шаклланиб келган дехқончилик маданиятини авлоддан-авлоддага ўтказиб туришга шароит яратади;
- ҳусусий мулкка эгалик қилиш ҳамда ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқининг умрбод берилиши мулкдан оқилона фойдаланишга йўл очади.

Ўзбекистан Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни уларни ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонунга мувофиқ дехқон хўжаликлари томонидан юридик шахс мақомини олиш жараёни давом этмоқда ва уларнинг сони йил сайин ўсиб борсада, бироқ бу жараён нисбатан суст бормоқда. Бизнинг фикримизча, бу жараённи тезлаштириш учун қуидаги масалаларни ҳал этиш зарур:

- дехқон хўжаликлари ўртасида юридик шахс мақомига эга бўлиш афзалликларини тушунтириш ишларини олиб бориш;
- дехқон хўжаликларининг юридик шахс мақомига эга бўлиш билан боғлиқ мажбурий йигим ва тўловлар механизмини қайта кўриб чиқиши.

Бундан ташқари дехқон хўжаликларини ривожлантиришда қатор муаммолар мавжуд. Дехқон хўжаликларининг чорва молларини ем-хашак ва концентрат озуқалар билан етарлича таъминлаш, уларни сотиб олишдаги бюрократик муаммолар шулар жумласидандир.

Ўзбекистан Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунида дехқон хўжалиги томорқа ер участкасини бошқа дехқон хўжалигига ижарага бериши ҳуқуқи кўзда тутилмаган. Бу масалалар ҳам ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Қонунда дехқон хўжаликларига ёлланма меҳнатдан доимий равища фойдаланиш ҳуқуқи берилмаган. Лекин чорвачилик, сабзавотчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланувчи дехқон хўжаликларида четдан жалб қилинган ишчи кучига бутун йил давомида зарурат мавжуд. Шу боис Меҳнат кодекси талаблари асосида дехқон хўжаликларида ёлланма меҳнатдан фойдаланишни қонуний тарзда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Қонун асосида мамлакатимизда дехқон хўжаликларининг мақоми аниқлаштирилди, уларини ривожлаништиришнинг қонуний механизмлари такомиллаштирилди.

Биринчидан, аҳолининг дехқон хўжаликлари дехқон хўжалиги сифатида қайта номланди ва унинг ташкилий моҳияти, мақоми ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди.

Иккинчидан, дехқон хўжаликларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти, мақоми, ташкилий-иктисодий асослари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тадбиркорлар субъекти сифатидаги хусусиятлари аниқ белгиланди.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларини дехқон хўжаликларига айлантириш тартиби тасдиқланди.

Тўртинчидан дехқон хўжаликларини давлат томонидан ва бошқа тарзда қўллаб-куvvватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибига солиш механизми белгилаб берилди.

Дехқон хўжаликлари «шахсий ёрдамчи хўжаликлар» асосида, уларни қайта ўзгартириш натижасида вужудга келди. «Дехқон хўжалиги тўғрисидаги» қонунда бу қайта ўзгартиришлар ўз ифодасини топган. Унга кўра, дехқон хўжаликлари хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларига тенглаштирилиб, уларга шахсий ёрдамчи хўжаликларда бўлмаган имтиёз ва хукуқлар берилган. Дехқон хўжаликларига улар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар баҳосини шакллантириш, унинг сотувчиси ва харидорини танлашда тўла эркин берилган. Дехқон хўжаликлари юридик шахс мақомини олиш хукуқига эга.

Бугунги кунда «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига муҳтож. Жумладан, қонуннинг 25-моддасига биноан дехқон хўжаликларини ташкил этиш фермер хўжаликларининг умумий йиғилиши қарорига боғлиқ қилиб қўйилиши ва фермерларга бириқтирилган ерлардан самарали фойдаланиш устидан назорат хукуқи берилганлиги хўжаликнинг бу турини муайян даражада фермер хўжаликларига қарам қилиб қўймоқда ва уларнинг иктисодий эркинлигини чекламоқда.

Қонунда дехқон хўжаликлари ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланишлари мумкин эмас деб белгилаб қўйилган. Бизнинг фикримизча, қўшимча ишчи кучига доимий эҳтиёж бўлганида дехқон хўжаликлирида ёлланма ишчининг иш ҳақи ва ижтимоий суғуртаси кафолатланиб, қонун йўли билан бундай меҳнатдан фойдаланишга рухсат бериш керак. Бу бир томондан, дехқон хўжаликларининг товар маҳсулотиларини қонун йўли билан етиштиришлари учун қўшимча ер участкаларини олиб ишлашларига ва иккинчи томондан, улардаги чорва моллари боши сонини кўпайтиришга имкон яратади.

Иктисодий фанда дехқон хўжаликларининг миллий иктисодиётда тутган ўрни масаласи кўпгина мунозараларга дуч келмоқда. Деярли етмиш йил давомида кўпгина тўсиқларга қарамасдан аҳолининг дехқон хўжаликлари бутунлай йўқолиб кетмади. Хўш, бунинг сабаблари нима? Ушбу саволга кўпгина олимлар ўзларича жавоб топишга ҳаракат қилганлар. Баъзи олимлар жамиятда ишлаб чиқарувчи кучлар ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги, ҳали «Ижтимоийлаштириш жараёни тўла якунланмаганлиги»¹ни, уқтирасалар, баъзи олимлар эса дехқон хўжаликларининг яшаб қолишини меҳнат ресурсларининг доимий ортиқчалиги билан боғлайдилар. Яна бир қанча олимлар дехқон хўжаликлари факат иктисодий омиллар туфайлигина яшаб келмоқдалар дея таъкидлашади. Республикамиз қатор олимларининг фикрича, дехқон хўжаликларининг яшаб қолиши ва ривожланишини бир-икки сабаб ёки омилга боғлаб бўлмайди, лекин асосий сабаблардан бири шундаки бундай хўжаликларда аҳолининг шахсий, ижтимоий ва бошқа манфаатлари бирлашади.

Бизнинг фикримизча, дехқон хўжаликларининг сақланиб қолишига асосий сабаб одамларнинг манфаатидир. Инсон психологиясида бирор нарсага эга бўлиш, мулкдор бўлиш хисси анча устун туради. Мана шу туфайли ўтмишда иктисодий, сиёсий ва мафкуравий тазиқларга қарамай дехқон хўжаликлари бутунлай йўқолиб кетмади. Шу сабабли, мухокама этилаётган масала борасида илмий адабиётларда баён этилган қарашларни умумлаштирган ва аниқлаштирган ҳолда, шундай хуносага келиш мумкинки, ҳозирги кунда дехқон хўжаликларни сақлаб қолиш зарурияти ишлаб чиқарувчи

¹ Мўминов А. Шахсий томорқа хўжалигининг имкониятлари. –Т.: 1988. - Б.24.

кучларнинг ривожланиш босқичи ва яхлит тарзда аграр муносабатларнинг етуклик даражаси ҳамда қишлоқ хўжалигида йирик ва майда ишлаб чиқаришнинг оқилона уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда дехқон хўжаликларининг миллий иқтисодиётда мавжудлиги зарурияти биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши айрим тармоқларининг етарлича ривожланмаганлиги, меҳнатни механизациялаш ва индустрисаллаштириш даражаси билан боғлиқ бўлган иқтисодий сабаблар орқали тушунтирилади. Бу борада қишлоқ хўжалик корхоналарида айрим маҳсулотларни (сабзавот, мева, полиз) ишлаб чиқариш технологиясининг етарли даражада эмаслиги ва ташкил этилмаганлиги ҳам катта ўрин тутади. Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналари ва дехқон хўжаликлари ўртасида меҳнат тақсимотини сақлаб қолади ва мазкур хўжаликлар зиммасига тури махсулотларни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий заруриятини юклайди. Ўз навбатида, фермер ва дехқон хўжаликлари ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти сабаблари очиқлигича қолмоқда, бунинг натижасида дехқон хўжаликлари айрим озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқаришда етакчи ўрин тутади. Бу эса уларнинг ўрни, зарурияти ва жамиятнинг уларга бўлган муносабатини баҳолашда ўта муҳимдир. Дехқон хўжаликларини ривожланишида икки даврни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинган давргача;
2. Қонун қабул қилингандан кейинги давр.

Республикамизда мустақиллик йилларида шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва кейинчалик дехқон хўжаликлари сони тез суръатлар билан ўсиб борди. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар сони 1990 йилда 2,3 млн. тани ташкил этган бўлса, 1995 йилда 2,9, 2010 йилда эса 4,7 млн. тага етди. Бошқача айтганда, дехқон хўжаликлари сони 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 95,7, 1995 йилга нисбатан 26,1 %га ўси. Бу даврда Россия Федерациясида аксинча ҳолат кузатилди ва 1998 йилга нисбатан бундай турдаги хўжаликлар сони 13,6 %га камайди. Юртимизда дехқон хўжаликлари сонининг ўсишида биринчидан, давлат хўжаликларининг хусусийлаштирилиши, ширкат хўжаликларнинг қайта ташкил этилиши, иккинчидан, мамлакат ахолиси таркибида қишлоқ ахолиси сонининг кўпроқ даражада ўсиши муҳим омил бўлди. Шу билан бирга бу даврда дехқон хўжаликларининг экин майдонлари ҳам 0,08 га. дан, 0,15 га. гача кенгайди. Уларнинг умумий экин майдони республикамиз бўйича 1999 йилда 184 мингтани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 472,8 мингтага етди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири устида иш олиб бормоқда. Янги таҳрирдаги қонунга кўра, дехқон хўжаликларининг ер майдони ҳажми ва фаолият даражаларига қараб уларни икки турга ажратиш масаласи кўрилмоқда. Янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши, бизнингча, юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

**2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕҲҚОН
РИВОЖЛАНИШИНинг ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**
**2.1. Республикаизда дехқон хўжаликлари ривожланишининг
ҳозирги ҳолати**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар натижасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосан уч турдаги корхоналар шаклланиб бормоқда. Биринчиси, йирик қишлоқ ҳўжалик корхоналари сифатидаги ширкат ҳўжаликлари. Бугунги кунга келиб уларнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ўрни кескин пасайиб бормоқда. Иккинчиси, ўртача ривожланиш даражасидаги фермер ҳўжаликлари ва учинчиси, кичик ер участкаларида иш олиб борувчи майда товар ва ярим натурал ишлаб чиқаришга асосланган дехқон ҳўжаликлари. Барча қишлоқ ҳўжалик корхоналари ўзига хос ижтимоий-иктисодий мазмун, мулкий мунособат ва қишлоқ ҳўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерга нисбатан ўзига хос муносабатга эга бўлиб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тутган ўрни, тармоқ таркиби ва ривожланиш истиқболлари бир-биридан фарқланади. Барча турдаги қишлоқ ҳўжалик корхоналари иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни ва меҳнат унимдорлиги даражаси бўйича ўзига хос хусусиятларга эгадирлар.

Дехқон ҳўжаликлари хўжалик субъєкти сифатида ширкат ва фермер ҳўжаликларидан фарқ қиласди. Республикаизда дехқон ҳўжаликларининг сони йил сайн ўсиб бориб, 2000 йилдаги 3293 мингтадан 2010 йилда 4,7 миллионтани ташкил этди. Бу ҳўжаликларга тегишли ер майдонлари мос равишда 503,7 минг гектардан 988,5 минг гектарга етди.

Дехқон ҳўжаликларининг ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги хиссаси мос равишда ўсиб, 62,9% ташкил этди. Агар ўртача оила коэффициентини 4,5 деб оладиган бўлсак, 15 миллиондан ортиқроқ киши дехқон ҳўжаликлар маҳсулотидан бевосита баҳраманд бўлмоқда. Ҳўжалик юритишнинг бу шаклида салкам 8 миллион ишга ярокли киши иш билан банд. Миллий иқтисодиётда дехқон ҳўжаликларининг ривожланиш кўрсаткичлари қуидаги жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигига дехқон
ҳўжаликларининг тутган ўрни¹**

№	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010
1.	Дехқон ҳўжаликлари сони, мингта	3293	4240	4744,0
2.	Жами ер майдони, минг/га.	519,0	784,6	988,5
3.	Жами экин майдони, минг/га.	401,5	445,4	472,8
4.	Ўртача ер майдони, га	0,2	0,2	0,2
5.	Ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотидаги хиссаси, %	66,0	61,7	62,9

2.1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, дехқон ҳўжаликларининг ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги хиссаси 2000 йилга келиб, ўзининг энг юқори даражасига (66%га) етган, бироқ кейинги йилларда бу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлган.


Бугунги кунда республикаизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқон ҳўжаликлари салмоқли ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда 2010 йилда етиширилган картошканинг 81,1, сабзавотнинг 64,4, полиз экинларининг 48,3, гўштнинг 95,1, сутнинг 96,1, тухумнинг 58, жуннинг 82,8 фоизи дехқон ҳўжаликлари томонидан

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2010 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган.

ишлаб чиқарилган. Натижада 2010 йилга келиб республикамизда аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1990 йилга нисбатан 112,4, картошка истеъмоли 145,8, мева истеъмоли 144,1, сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмоли 108,4 фоизга ошди. Мамлакатимизда 1991–2010 йилларда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги барқарорликка дехқон хўжаликлари ҳисобига эришилди.

Дехқон хўжаликлари ишлаб чиқариш ресурсларидан тежамли фойдаланадиган хўжаликлар сифатида тавсифланади. Бу хусусият улар оиласининг пул харажатларини камайтиради ва бу билан оила бюджетини мустаҳкамлади. Дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарishнинг ташкил этилиши, давлат харажатларида ушбу маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда турли хўжалик субъектлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши республикамиз аграр муносабатлари тизимидағи, ундаги мулкий муносабатлардаги ўзгаришлар натижасидир. Бу ўзгаришлар кўйидаги 2.1-расмда ўз ифодасини топган.



**2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ижтимоий-иктисодий таркибидағи ўзгаришлар
(2000-2010 йиллар жорий баҳоларида, % да)¹**

Расмдан кўринадики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ижтимоий-иктисодий таркиби ширкат хўжаликлари маҳсулоти ҳажмининг пасайиши ва фермер хўжаликлар маҳсулоти ҳажмининг ўсиши томон ўзгариши билан тавсифланади. 2000 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши 5,1, ширкат хўжаликларнинг улуши 28,9 фоизни ташкил этган бўлса 2010 йилга келиб фермер хўжаликларнинг улуши 35, ширкат хўжаликларнинг улуши эса 2,1 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари ширкат хўжаликларига нисбатан 15,6 марта кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Фермер хўжаликлари 2010 йил пахта хом ашёсининг 99,4, дон экинларининг 81,5, шу жумладан, буғдойнинг 85,5 фоизини ишлаб чиқарган.

Ўзбекистон аграр соҳасидаги янгиланиш жараёнларининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, ислоҳотлар йилларида дехқон хўжаликлари сони 2,4 миллиондан 4,7 миллионгача ўсади. Россияда эса 1998 йил маълумотларига кўра, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг сони 2,5 миллионтага, яъни 14,5 фоизга кисқариб кетди². Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экин майдонларида дехқон хўжаликларининг улуши муттасил ошиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда дехқон хўжаликларининг улуши 62,9 фоизни ташкил этди. Россия Федерациясида эса шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг улиши 49,3 фоизни ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1995-2009 йиллар бўйича олинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Проблемы прогнозирования. 1999, -№4. – С. 67.

этди¹.

2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида баъзи турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда дехқон хўжаликларининг улуши (минг тонна)²

Маҳсулот тури	2000 й.		2005 й.		2010 й.	
	А*	Б*	А*	Б*	А*	Б*
Буғдой	4101,4	17,8	6540,9	15,3	6730,4	14,2
Картошка	731,1	79,1	924,2	79,0	1692,9	79,1
Сабзавот	2644,7	69,2	3517,5	66,8	6346,4	64,2
Полиз экинлари	451,4	57,2	615,3	52,5	1182,4	48,3
Мевалар	604	62,6	949,3	58,6	1710,3	50,9
Узум	433	40,8	641,6	41,3	987,3	42,8
Гўшт	823	90,5	1061,2	94,6	1461,4	95,1
Сут	3603	91,5	4554,7	97,0	6169,0	96,1
Тухум, млн. дона	1320	61,5	1966,4	60,1	3058,8	58,0

Изоҳ: А*- Ялпи маҳсулот, Б*- Дехқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотдаги улуши

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда дехқон хўжаликларининг устун мавқега эга бўлиши вакътичалик жараёндир.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг келажаги юкори даражада механизациялаштирилган фермер хўжаликлирида кўринади. Майда хўжаликларда янги техника ва технологияни кўллаш, алмашлаб экишнинг оқилона тузилмасини жорий этиш мураккаб эканлиги, иқтисодий адабиётларда тўғри таъкидланади. «Шахсий ёрдамчи хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улушкининг ортишини ривожланиш сифатида қараб бўйласлиги» борасида асосли хуносалар қилинади³.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув мавжуд. Ширкат ва фермер хўжаликлири кўпроқ даражада ғалла, пахта ва каноп ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, дехқон хўжаликлирида бу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайди. Дехқон хўжаликлирида асосан гўшт, сут, тухум, полиз экинлари, маккажўхори, шоли ва бошқа маҳсулотлар этиширилади.

Дехқон хўжаликлири кўпроқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Сўнгги йилларда гўшт ва сут маҳсулотларининг 90, сабзавот, картошка, мева ва полиз маҳсулотларининг эса 50 фоиздан кўпроқ қисми дехқон хўжаликлири томонидан ишлаб чиқарилмокда. Жадвалда келтирилган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (ғалладан ташкари) ишлаб чиқариш суръатлари дехқон хўжаликлирида бошқа турдаги хўжаликларга нисбатан юқоридир. Баъзи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш суръатлари қишлоқ хўжалиги бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан дехқон хўжаликлирида 1,5 мартаға юқоридир. Давлатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2010 йилда дехқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли даражада ошди.

Дехқон хўжаликлири қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги бўйича ҳам

¹. Федеральная служба государственной статистики (Росстат). Россия в цифрах 2011. Краткий статистический сборник. – Москва, 2011.

² Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2009 йиллар бўйича олинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³ Эргашходжаева Ш. Кооперация в сельском хозяйстве. //Экономический вестник Узбекистана. –Тошкент, 1999, №3. – С. 9–10.

ширкат ва фермер хўжаликларига нисбатан юқори кўрсаткичларга эга. Бу бўйича маълумотлар 2.3-жадвалда келтирилган.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси дехқон, ширкат ва фермер хўжаликларида турли маҳсулотлар бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичлари

	Буғдой, п/га	Шоли, п/га	Картошка, п/га	Мева, п/га	Полиз, п/га	Узум, п/га
2010 йил						
Барча турдаги хўжаликлар	48,2	36,0	198,4	87,2	191,0	85,2
Шу жумладан						
Қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)	34,4	27,3	135,0	40,6	171,7	78,3
Фермер хўжаликлари	47,3	35,3	166,3	73,4	174,3	72,3
Дехқон хўжаликлари	55,9	49,4	206,1	109,9	210,6	110,0
Дехқон хўжаликлари, %						
Қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)га нисбатан,	162,5	180,9	152,6	270,6	122,6	140,5
Фермер хўжаликларига нисбатан	118,2	140,0	124,0	149,7	120,8	151,3

Жадвалдан кўринадики, дехқон хўжаликлари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича энг юқори ҳосилдорликка эга. Масалан, дехқон хўжаликларида шоли ҳосилдорлиги бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан 180,9, фермер хўжаликларида нисбатан 140 фоизга юкоридир. Дехқон хўжаликларида картошка ҳосилдорлиги мос равишда 152,6 ва 124, мева ҳосилдорлиги 270 ва 149,7, полиз маҳсулотлари ҳосилдорлиги 122,6 ва 120,8 фоизга юкоридир. Дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ширкат ва фермер хўжаликларида нисбатан анча юқори 1,4–2,5 марта кўпdir. Дехқон хўжаликларида республикамизда ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотларининг (гўшт ва сутнинг) асосий қисми етиштирилади.

Мамлакатимизда 1990 йилларда ҳам дехқон хўжаликларнинг гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши юқори эди. Масалан, 1990 йилда дехқон хўжаликларининг ялпи гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши 48,6, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши эса 63,8 фоизни ташкил этган¹. Шу билан бирга, дехқон хўжаликларининг гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 4,3, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши эса 2,3 марта га ўсган. Бугунги кунда ҳалқимизнинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 95,1 фоизи дехқон хўжаликлар томонидан қондирилмоқда.


Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмини тармоқда банд бўлган ишчилар сонига нисбати орқали аниқланади. Иқтисодиётда вақт бирлиги ичida маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши меҳнат сифимкорлигининг пасайишига ва аксинча меҳнат сифимкорлигининг ўсиши вақт бирлиги ичida маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келади. Бу икки кўрсаткич қишлоқ хўжалигида йил якунлари бўйича хисобланади ва улар асосида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таҳлил этишга харакат қиласиз.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 1995 йил кўрсаткичига

¹ Ўзбекистон ССР ҳалқ хўжалиги. –Т.:1991, - Б. 203-204.

нисбатан 236,9, 2000 йилга нисбатан эса 192,5 фоизга юқоридир. Бунга мөннат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига эришилган. Тармоқда банд бўлганлар сони 2010 йилда 1995 йилдагига нисбатан 553 минг кишига камайган.

Дехқон хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мөннат унумдорлиги даражасини тадқик этиш ва уларни қиёслаш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. 2.2-расм маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланишининг сўнгги ўн йилида дехқон хўжаликларида мөннат унумдорлигининг ўсиш даражаси 186,1 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабабларидан бири бу даврга келиб ушбу турдаги хўжаликларда бандлик даражаси кескин пасайланлиги (0,84%) ҳисобланади.



2.2-расм. Хўжалик шакллари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мөннат унумдорлиги динамикаси (2010 йил 2000 йилга нисбатан)¹

Шу билан бирга бу даврда фермер хўжаликларида ялпи маҳсулот ҳажми энг юқори сурʼатларда, яъни 784,7 фоизга ўсанлиги ва шунга мос равишда бандлик даражаси ҳам ошганлигини кузатиш мумкин. Бу турдаги хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, унда мөннат унумдорлигининг 173,6 фоизга ўсанлиги билан тавсифланади.

Дехқон хўжаликларида мөннат унумдорлигини бир экин майдонидан олинадиган маҳсулот ҳажми кўрсаткичи бўйича ҳисоблаш ҳам муҳим ўрин тутади. Барча турдаги хўжаликлар бўйича мөннат унумдорлигини аниқлашда ушбу хўжаликлардаги жонли мөннат сарфи муҳим аҳамиятга эга. Давлат статистика қўмитаси бундай ҳисоб-китобларни амалга оширади. Аммо баъзи статистик тўпламларда бу кўрсаткич бўйича фарқлар мавжуд. Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича бандлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик соҳасида банд бўлганларнинг ҳажмининг 1,2–2% ни ташкил этади. Шунинг учун биз барча тоифадаги хўжаликлар бўйича бандлик даражасини асос қилиб олдик. Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича киши бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мөннат унумдорлиги динамикаси 2.4-жадвалда келтирилган.

2.4-жадвал

Дехқон хўжаликларида жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи²

	Ялпи маҳсулот, млн сўм (2005 йилги)	Ишчилар сони	Битта ишчига тўғри келадиган	Дехқон хўжаликларида бошқа корхоналарга

¹. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2010 йиллар бўйича олинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

	бахоларда)				маҳсулот,		нисбатан меҳнат унумдорлиги, %	
	2000	2010	2000	2010	2000	2010	2000	2010
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти	3183,1	5820,2	3515	2932,3	905,5	1985, 0	160,6	64,6
А) Қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)	919,9	122,2	2029	78,1	453,3	1564, 1	353,2	192,5
Б) Дехқон хўжаликлари	2100,8	3660,9	1313	1215,6	1600,0	3011, 6	100	100
В) Фермер хўжаликлари	162,3	2037,0	173	1638,6	938,1	1256, 6	170,5	239,7

Жадвалдан кўринадики, ахоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки энг юкори меҳнат унумдорлиги дехқон хўжаликларига тўғри келмоқда. 2010 йилда дехқон хўжаликлидаги бу кўрсаткич ширкат хўжаликларига нисбатан 2,3, фермер хўжаликларига нисбатан 2,4, жами қишлоқ хўжалигига нисбатан 1,5 мартаға юкори эканлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга меҳнат сиғимкорлиги дехқон хўжаликлида энг юкори даражани ташкил этади.

Тадқик этилаётган даврда барча тоифадаги хўжаликлар бўйича меҳнат сарфи нисбатида катта ўзгаришлар юз берди. Агар, 2000 йилда энг юкори меҳнат сарфлари ширкат хўжаликлари ҳиссасига (57,7%) тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич (3,2% га) тушиб қолди. Меҳнат сарфлари энг юкори суръатларда ўсганини фермер хўжаликлида ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг умумий меҳнат сарфлари ҳажми 2000 йилдаги 4,9 фоиздан, 2010 йилга келиб 55,3 фоизга ўси. Бу даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат сарфлари ҳажми ва хўжаликлардаги умумий харажатлар ҳажмидаги жонли меҳнат сарфларининг ҳиссаси пасайди. Бу бир томондан қишлоқ хўжалигига иқтисодий начор ва молиявий зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари сонининг 2000 йилдан бошлаб кескин камайганлигига ҳам боғлиқдир. Дехқон хўжаликлида жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юкорилигининг асосий омилларидан бири бу уларда бир гектар экин майдонида этиширилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсишидир.

2.5-жадвал

Дехқон хўжаликлида бир гектар экин майдонидан олинган маҳсулот ҳажмини Республика кўрсаткичига қиёслаш, (2005–2010 йиллар)¹

	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти млрд/сўм (2005 йил баҳода)	Хайдалган ер майдони, минг/га		1 га хайдалган ердан етиширилган маҳсулот, минг сўм	2010 й. 2005 й.га нисбатан, %		
Йиллар	2005	2010	2005	2010	2005	2010	
Қишлоқ хўжалиги	4192,8	5820,2	3647,5	3704,7	1190,6	2053,8	172,5
Шу жумладан							
Қишлоқ хўжалик корхоналари	394,1	122,2	124,0	47,8	317,8	255,4	0,80

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005-2010 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

(ширкатлар)							
Деҳқон хўжаликлари	2565,9	3660,9	532,5	574,3	4818,6	6374,5	132,3
Фермер хўжаликлари	1232,6	2037,0	2590,9	3082,6	475,9	660,9	138,8

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2005–2010 йилларда қишлоқ хўжалиги бўйича бир гектар экин майдонидан етиштирилган маҳсулот ҳажми ўсиш тенденцияга эга. Бунда энг юкори ўсиш суръатлари фермер хўжаликларида (138,8%) ва ундан кейин деҳқон хўжаликларида (132,3%) кузатилади. Бунинг сабаби, кейинги йилларда заар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилганлигидир.

Юртмизда турли қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан бир гектар экин майдонидан олинадиган маҳсулот ҳажми ўртасидаги нисбатда катта фарқлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Бунда энг юкори кўрсаткич деҳқон хўжаликларига тўғри келади. Бу кўрсаткич 2010 йилда деҳқон хўжаликларида ширкат хўжаликларига нисбатан 24,9, фермер хўжаликларига нисбатан 9,5, бутун қишлоқ хўжалигига нисбатан 4 мартаға юкоридир.

Бир гектар экин майдонидан олинган маҳсулот ҳажми бўйича турли тоифадаги хўжаликларнинг бир биридан фарқланиши улардаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ўртасидаги фарқ билан тавсифланади. Хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари улушининг ўсиши барча тенг шароитларда бир гектар экин майдонидан олинадиган маҳсулот ҳажмининг юқорилигини белгилаб беради. 2010 йил маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида чорвачиликнинг улуси 40,6%ни ташкил этди. Бу кўрсаткич ширкат хўжаликларида 13,6, фермер хўжаликларида 6,7, деҳқон хўжалиларида 69 фоизга тенг бўлади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бир гектар экин майдонидан олинган ялпи маҳсулот ҳажмининг улар томонидан етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари нисбатига боғлиқлигини қўйидаги 2,6-жадвалдан кўриш мумкин. Масалан, бир гектар экин майдонидан олинган маҳсулот ҳажми бўйича деҳқон хўжаликларида хосилдорлик ширкат хўжаликларига нисбатан 2,5 марта юқори, агар бу кўрсаткични фақатгина деҳқончилик соҳаси бўйича қиёслаганда фарқ – 2,1 мартаға тенгdir. Фермер хўжаликлари бўйича бу кўрсаткичлар мос равишда 9,6 ва 3,2 мартағи ташкил этади.

2.6-жадвал

Деҳқон хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини Республика кўрсаткичларига қиёслаш (2010 йил)¹

¹. Давлат Статистика кўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

	Ялпи маҳсулот, млрд сум		Хайдалган ер, минг га	1 га ишлаб чиқариш		Ишлаб чиқариш ҳажмини 2010 йилга қиёслаш	
	Жами маҳсулот	Шу жумладан дехкончилк маҳсулотлари		Жами маҳсулот	Шу жумладан дехкончилк маҳсулоти	Жами маҳсулот	Шу жумладан дехкончилк маҳсулотида
Қишлоқ хўжалиги	15810,7	9391,5	3704,7	4267,7	2535,0	405,8	211,7
Шу жумладан							
Қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)	332,0	286,8	47,8	6945,6	2421,7	249,3	221,7
Деҳқон хўжаликлари	9944,9	3082,9	574,3	17316,5	5368,1	100	100
Фермер хўжаликлари	5533,7	5162,9	3082,6	1795,1	1674,8	964,6	320,6

Деҳқон хўжаликлирида бир гектар экин майдонидан олинган маҳсулот ҳажми ва ундан олинадиган ҳосилдорлик даражасининг юқорилиги ушбу хўжаликларда меҳнат унумдорлигининг нисбатан юқори даражада эканлигини ифода этади.

2.2. Деҳқон хўжаликларининг харажатлари ва уларнинг ўзгариш тенденциялари

Аҳоли ва унинг ижтимоий гурухлари ялпи харажатлари – бу турли хўжалик субъектларидан товарлар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари, молия-кредит тизимиға тўловлар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар маҳсулотларини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш, кўрилган зарар, қарзни қоплаш ва қимматли қоғозларни сотиб олиш харажатлари йиғиндисини ташкил этади.

Аҳолининг ялпи харажатлари, унинг таркиби, ҳажми ва динамикаси –булар мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ва аҳоли турмуш даражаларини ифода этувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Ялпи харажатларнинг ўринини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлардан бири бу уларнинг ЯИМдаги улушкидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг 2009–2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга карши чоралар дастури» нинг муҳим йўналиши тежамкорликка қаратилган. «Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юрутувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларида маҳсулот таннархини камида 20 фоиз тушуришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим»¹.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши зарур. Бугунги кунда деҳқон хўжаликлирида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- материаллар сарфи меъёрларини пасайтириш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон. 2009. Б. 33-34.

ФОЙДАЛАНИЛГАН

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. – Т.: Адолат, 1996. – 256 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. I том. – Т.: Адолат, 1991.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни // «Халқ сўзи», 1998. -№102 (22 май).
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: -Ўзбекистон, 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг» Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни // «Халқ сўзи», 2002. - №95 (4 май).
8. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-куватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни. Т.: Ўзбекистон, 2004.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни.- (янги таҳрири) //Солик тўловчининг журнали. – Тошкент. 2004. -№10. - Б. 7.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги фармони // «Халқ сўзи», 1999. - №9.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент, 2003 йил 24 март.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори – Тошкент, 2006 йил 23 март.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори. – Тошкент, 2008 йил 28 ноябр.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оиласаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техника билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзларини бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги қарори // «Халқ сўзи», 2001. 11 сентябрь.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш тўғрисида»ги қарори // Олий хўжалик суди Ахборотномаси. – Тошкент, 2005. - №1. –Б. 21-22.
18. Каримов.И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 62 б.
19. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 78 б.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – 128 б.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йуналишлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1994. – 72 б.
22. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаравонлик манбаи. – Т.: «Ўзбекистон», 1994. – 72 б.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 262 б.
24. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 326 б.
25. Каримов И.А. «Мулкдорлар синфини шакллантириш – ислоҳотларнинг бош мезони»// «Халқ сўзи», 1997 йил 8 февраль.
26. Каримов И.А. «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи». – Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 64 б.
27. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 112 б.
28. Каримов И.А. «Юксак маънавият - енгилмас куч». –Т.: «Маънавият», 2008. - 170 б.
29. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // -Т.: «Ўзбекистон», 2009. - 56 б.
30. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 21 б.
31. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. – Тошкент, Мехнат, 1997. –297 б.
32. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (назария ва амалиёти) Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, Мехнат, 2004. – 610 б.
33. Базылева Н.И. Экономическая теория. – Минск, БГЭУ, 1998. – 456 с.
34. Ваҳобов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. – Т.: Молия, 2002. – 33 б.
35. Государственное регулирование рыночной экономики. Учеб. пособие. – М.: Дело, 2001. – 279 с.
36. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ, 1994. – 735 с.
37. Миланович Б. Бедность, неравенство и социальная политика в странах переходного периода. Всемирный банк. Вашингтон, О.К, 1995. - 70 с.
38. Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство. -М.: «Экономика», 1989. – 440 с.
39. Чаянов А.В. О сельскохозяйственной кооперации. Избранные труды и статьи, Саратов. Приволжское книго издание. 1989. - 343 с.
40. Туган-Барановский М.И. Социальные основы кооперации. З-е изд. -М.: «Экономика», 1989. - 496 с.
41. Абдуғаниев А.А Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ТДИУ, 2004. - 67 б.
42. Беркинов Б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. - Т.: 2004. Адабиёт жамғармаси

- 155 б.
43. Жўраев А. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари.-Т.: 2004. Ижод дунёси – 227 б.
 44. Мўминов А. Шахсий томорқа хўжалигининг имкониятлари. –Т.: «Чўлпон» нашриёти, 1988. - 134 б.
 45. Фармонов Х. Т. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. -Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 132 б.
 46. Хуррамов А.Ф. Фермер хўжаликларида кооперациянинг назарий асослари ва муаммолари. – Т.: Фан, 2004. – 186 б.
 47. Шмелев Г.И. Сельскохозяйственная кооперация. -М.: Наука, 1997. –126 с.
 48. Добрынын В.А. Экономическая эффективность сельскохозяйственного производства в условиях перехода к рыночным отношениям. – М.: Издательство МСХА, 1994. - 126 с.
 49. Козырь М.И. Анализ хозяйственной деятельности крестьянских хозяйств. -М.: 1995 - 258 с.
 50. Усмонов С.Н. Дехканское (фермерское) хозяйство. -Т.: 1997 – 145 б.
 51. Абдураҳмонов Қ.Х., Тохирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Олий ўқув юртлари учун ўқув. қўл. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, ТДИУ, 2004. – 159 б.
 52. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: Инфра-М, 1999. – 924 с.
 53. Абакумова Н.Н., Подовалова Р.Я. Политика доходов и заработной платы. – М.: Инфра-М, 1999. – 192 с.
 54. Musgrake R., Musgrave P. Public Finance in theory and Practice, the ed., Mc Graw Plill, 1989. – 310 с.
 55. Хуррамов А.Ф., Эгамбердиев Ф.Т. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг социал-иқтисодий жиҳатлари. –Т.: Университет, 1993. – 130 б.
 56. Ҳусанов Р.Х., Қосимов Н. Дехқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. -Т.: Чўлпон нашриёти, 2000. – 135 б.
 57. Усмонов С.Н, Додобоев Ю.Т. Фермер ва дехқон хўжаликлари. –Т.: Ибрат, 2002. – 124 б.
 58. Ҳусанов Р. Х, Додобоев Ю. Т. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. -Т.: Ибрат, 2003. – 137 б.
 59. Шодмонов Ш.Ш.,Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. -Т.: «Молия», 2002. – 414 б.
 60. Ўлмасов А., Ваҳабов А. Иқтисодиёт назарияси - Т.: «Шарқ» нашриёти. Дарслик. 2006. - 479 б.
 61. Серов Е.В., Медведев Н.Н. Инфраструктура сельскохозяйственного производства: вопросы, теории и практики. -М.: Экономика, 1997 - 250 с.
 62. Алтухов И.А., Шамин А.Е. Новый аграрный строй России. Нижний Новгород, 1996. - 245 с.
 63. Киселев С.В., Кузнецов В.В. Государственное регулирование сельского хозяйства в

- условиях переходной экономики. -М.: Институт экономики РАН, 1994. – 242 с.
64. Ҳусанов Р., Қосимов Н. Дәққон хўжалигининг илмий-амалий асослари. -Т.: «Чўлпон» нашриёти, 2000. - 136 б.
 65. Фуломов С.С., Дадабоев Ю.Т. Политика доходов и заработной платы. - Т.: 2003. - 50 с.
 66. Кемпбелл Р. Макконелл Стенли Л.Брю. Экономикс. - Москва. Республика, Т-1. – 398 с.
 67. Салимов Б.Т., ва бошқалар. Дәққон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўзбекистан ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. –Т.: 2004. – 235 б.
 68. Беркинов Б.Б., Жўрабоев И., Кулабоев М. ва бошқ. Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш асослари. -Т.: «Ўқитувчи», 1999. –273 б.
 69. Введение в рыночную экономику // Под. ред. А.Я.Лившица. – М.: Высшая школа, 1994. – 277 с.
 70. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистана. – Т.: Институт экономики, 2003. – 531 с.
 71. Абдуҳамидов А. Хусусий тадбиркорларни кредитлашнинг ноанъанавий усули // Бозор, пул ва кредит – Тошкент, 2000. - №9. – Б. 66-68.
 72. Мейликов Ю. Фермерга камарбасталик керак. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2005. - №6. – Б. 4.
 73. Маматқулов Б. Самарадорлик йўллари. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2005. - №6. – Б. 5.
 74. Маматқулов Б., Раҳимов Н. Самарадорлик пировард мақсад // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2005. - №4. – Б. 7-8.
 75. Мадамов А. Фермерга мадад керак // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2005. - №7. – Б. 8.
 76. Сайдбеков Б. Қишлоқ хўжалиги ислоҳотлари янги босқичга кирди. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси – Тошкент, 2002.- №4. – Б. 30-33.
 77. Тўлаганова С. Ер паспорти: жавобгарлик ва маъсулият // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2005. - №7. – Б. 6.
 78. Умаров У. Қишлоқ хўжалигига инвестицион муҳитни шакллантиришнинг хуқуқий муаммолари // «Бозор, пул ва кредит» ж. – Тошкент, 2003. - №1. – Б. 33-36.
 79. Убайдуллаев К., Тўрабеков А. Ер солиги ҳисоблашни такомиллаштириш // «Бозор, пул ва кредит» ж. – Тошкент, 2000. - №8. – Б. 36.
 80. Фармонов Х. Т. Фермер хўжаликлари ва инфратузилма объектлари // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2005. - №9. – Б. 5.
 81. Файзиева Ш., Абдиев Ш. Шартнома муваффақият калити // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж.– Тошкент, 2005. - №8. – Б. 6.
 82. Файзиева Ш., Хайдарова Ш. Фермер хўжаликларига сервис хизмати // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2005.- №5. – Б. 9.
 83. Хўжамов М. Қишлоқ хўжалигига хусусий тадбиркорлик ҳамда мулкдорлар синфини шакллантириш //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси – Тошкент, 2002. - №5. – Б. 37.
 84. Хўжабеков А. Агросаноат мажмуасида инвестициялардан фойдаланиш асослари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси – Тошкент, 2002. -№10-11.

- Б. 14-18.
85. Ҳакимов Б., Қурбонов Ж. Фермер хўжаликларида харажатлар хисоби. // «Бозор, пул ва кредит» ж. – Тошкент, 2006.- №2. – Б. 55-57.
 86. Шодмонов Т. Фермер хўжаликларида даромадларни шакллантириш // «Бозор, пул ва кредит» ж.– Тошкент, 2005. - №11. – Б. 64-66.
 87. Эргашходжаева Ш. Кооперация в сельском хозяйстве // «Рынок, деньги и кредит» ж. – Ташкент, 2005. - №3. – Б. 9.
 88. Эргашев Э. Дехқон-фермер хўжаликлари ривожи – аграр иқтисодиётнинг барқарорлашув омили // «Бозор, пул ва кредит» ж. - Тошкент, 2005. -№6. – Б. 50.
 89. Қобулов Б. Фермер хўжаликлари молиясини ташкил этиш // «Бозор пул ва кредит» ж. – Тошкент, 2000. - №2. – Б. 64.
 90. Исамухамедова М. Дехқончилик...таваккалчиликми? Ёхуд фермер хўжаликларида маркетинг хизмати // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2004. - №8. – Б. 36.
 91. Жавлиева Г. Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси– Тошкент, 2004. - №3-4. – Б. 60-61.
 92. Жабборов Х. Дехқон хўжаликларини ихтисослаштириш // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2004. - №9. – Б. 11-12.
 93. Сайдова Г.К. Ўзбекистоннинг ўтиш даври макроиктисодий муаммолари // «Бозор, пул ва кредит» ж.– Тошкент, 1998.- №2. – Б. 36.
 94. Сайдова Г.К. Макроиктисодий сиёсатнинг асосий муаммолари // «Бозор, пул ва кредит» ж. – Тошкент, 1998. - №5. – Б. 23 .
 95. Чепель С. Устойчивый экономический рост в Узбекистане: условия, механизмы // Экономическое обозрение– Ташкент, 1998. №3. – С. 11-12.
 96. Рахимов Б., Исломилов Д. Моддий-техника ресурслари таъминоти: муаммо ва таклифлар // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2007. - №2. – Б. 56.
 97. Баҳадиров А. Аграсаноат корхоналарида лизинг муаммолари // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2008. - №8. – Б. 28.
 98. Сотовлдиев Х. Инфратузилма шоҳобчаларини ривожлантиришда давлатнинг ўрни // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2008. - № 6. – Б. 39.
 99. Мухторов А., Болтаев М. Аграсаноат мажмуасида кооперация // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2009. - №7. – Б. 27.
 100. Ортиқов И. Инновацион фаолликни оширишда ахборот маслаҳат марказларининг ўрни // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2009. - №3. – Б. 29.
 101. Хушматов Н., Файзуллаева Т. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда ҳуқуқий асослар // «Агро илм» – Тошкент, 2009. - № 3 (10). – Б. 65.
 102. Ортиқов И. Аграр соҳада инновациянинг аҳамияти. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги– Тошкент 2009, - №2. – Б. 29.
 103. Ҳусанов Р., Холмирзаев И., Бабаджанов А. Қишлоқ хўжалигига инновация. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2009.- №2. – Б. 29.

104. Қосимов М. Фермер хўжаликларининг ўзаро кооперацияси. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2010.- №12. – Б. 12.
105. Халилов X. Дехқонлар учун ахборот-маслаҳат хизматининг аҳамияти. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2010.- №2. – Б. 57.
106. Умаров С. Қишлоқ хўжалигига инвестициянинг ўрни. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги – Тошкент, 2010.- №2. – Б. 30.
107. Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2010. - №10. – Б. 22.
108. Мухамбетова У. Дехқон хўжаликларининг меъёрий асослари. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2010. - №9. – Б. 25.
109. Ахмедов Ф. Хонадон хўжалигини ривожлантириш // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ж. – Тошкент, 2010. - №4. – Б. 32.
110. Норинов Ў. Фермер хўжаликларини кредитлаш механизmlарни такомиллаштириш. // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент. ЎЗБИТИ. 2003. – Б 44-46.
111. Ўзбекистан 1991-1995. Информационный сборник. – Ташкент, 1996. - 47 с.
112. Доклад о мировом развитии. Развитие и новое поколение. 2007 год.
113. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. – 2000. -Т.: 2001 й.
114. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
115. www.aza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
116. www.ceep.uz - Ўзбекистон Республикаси Йқтисодиёт вазирлиги хузуридаги самарали иқтисодий сиёsat марказининг расмий сайти.
117. <http://www.uz/iqtisod/>.
118. www.uzreport.com.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
1-боб.	ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1.	Иқтисодий муносабатлар тизимида дехқон хўжаликларининг ўрни ва роли	10
1.2.	Дехқон хўжаликларининг ижтиомий-иктисодий моҳияти ва ривожланиш тамоилилари	23
1.3.	Ўзбекистон Республикасида дехқон хўжаликларининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари	34
	Биринчи боб бўйича хulosалар	44
2-боб.	ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ	46
2.1.	Республикамизда дехқон хўжаликлари ривожланишининг ҳозирги аҳволи	46
2.2.	Дехқон хўжаликларининг харажатлари ва уларнинг ўзгариш тенденциялари	58
2.3.	Дехқон хўжаликларининг даромадлари, уларнинг таркиби ва динамикаси	66
	Иккинчи боб бўйича хulosалар	77
3-боб.	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	79
3.1.	Дехқон хўжаликлари кооперациясини шакллантириш йўллари	79
3.2.	Дехқон хўжаликларининг бошқа иқтисодий субъектлар билан молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш	92
3.3.	Ўзбекистонда дехқон хўжаликларини ривожлантаришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари	116
	Учинчи боб бўйича хulosалар	137
	ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	140
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	143